

МИРАҲМАД МИРХОЛДОР УҒЛИ

«САЙРАМ ТАРИХИ»



Чимкент шаҳри, 1991 йил

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА

Шундай инсонлар бўладикки, ўзидан кўра кўпроқ бировларни ўйлайди, оиласидан кўра жамоатни устун қўяди. Халқ йўлида, ҳақ йўлида, миллий ифтихор ва қадрият йўлида, ўзлигини аниқлаш, миллий бойлигини ва меросини асраш йўлида тинмай илзанади ва курашади. Бундайлар халқнинг, элининг чинакам фидойилари бўлади. Мираҳмад Мирхолдоровни шундай муътабар инсонлардан, деб биламиз.

Мен М. Мирхолдоровнинг кўҳна Сайрам тарихи билан қизиқиб, кўп шугўлланиб юришимни яхши билардим. Унинг тарихий очеркларини ноҳия рўзномамизда эълон ҳам қилган эдик. Узоқ йиллик меҳнати мажмуасини китобча қилиб чиқариш ҳақидаги орзу-ниятларидан ҳам хабардор эдим. Аммо шу китобчага муҳаррирлик қилишни менга топширганларида, мутлақо қийин бир аҳволда қолдим: ахир шундай катта илмий ишга (ҳа, мен уни илмий ишга тенглаштираман), шундай тажрибали қаламкашнинг асарига муҳаррирлик қилиш, мен учун жуда катта масъулият эди. Ҳар қалай рисолачи ўқиб чиқдим. Аммо бирон жойига қалам теккишимни ўзимга раво кўрмадим. Чунки муаллиф ҳар бир хабар, ҳар бир шарҳ, ҳар бир сана ва ҳар бир маълумотни жуда чуқур ва синчиклаб, узоқ ва жиддий ўрганиб чиққан эди. Қолаверса, бу китобча муаллифнинг қарийб ўттиз йиллик меҳнати самараси эди.

Мираҳмад Мирхолдоровни кўпчилик яхши танийди. У Сайрамда таваллуд топган. Тошкент Давлат дорилфунунининг журналистика куллиятини тамомлаб, кўп йиллар Ышқеке ва Сайрам ноҳия рўзномаларида феолият кўрсатган. Оддий мухбирликдан муҳаррирликкача кўтарилган. Комсомол ва партия органларида ишлаган. Кейинги пайтларда ноҳиядаги йирик жамое ҳўжалиги — Ленин номили колхоз партия кўмитасини бошқаради. Ҳозирга қадар шу ҳўжаликда меҳнат қилиб келмоқда.

М. Мирхолдоров ўзининг долзарб мақолалари, ранг-баранг, сержило очерклари ва лавҳалари, ўткир фелъетонлари билан кўпчиликка танилган. У ўз ижодида кўпинча ҳазрати инсонни, диёримизнинг меҳнат аҳлини улуғлайди. Қўлингиздаги ушбу китобча муаллифнинг мустақил йирик асарларидан биридир. Унда Сайрам тарихи, бу кўҳна диёрнинг узоқ ўтмиши кўпгина тарихий манбаларга асосланган ҳолда ёритилади. Китобча беш қисмдан иборат: аввало муаллиф Сайрамнинг 2600 йилга тенг ёшини тарихий ҳўжжатлар билан асослашга ҳаракат қилган. Иккинчи қисм — ҳокимларнинг, шаҳарнинг Буюк ипак йўлидаги мавқеи, Сайрамга қилинган қирғинбаротлар, қайта тиклашлар китобчанинг асосий қисмини ташкил этади. Китобчанинг учинчи қисмида бундан минг йил илгари ёзилган «Рисола» матни айнан берилади. Тўртинчи қисмда кейинги пайтларда ўтказилган экспедиция ва қазиш ишлари туфайли топилган тилга қиради. Бешинчи қисм Сайрамдаги алломаю валиларга бағишланган бўлиб, уларнинг дафи этилган жойлари тўғрисидаги маълумотлар зикр этилган. Хуллас, азиз китобхон, ушбу рисолачи ўқиб чиқиб, муаллиф тақлифига қўшилган ҳолда, ўз истак ва фикрларингизни билдирасизлар, қўшимча маълумотлар бўлса, муаллифга етказасизлар, деб умид қиламиз. Шунда ушбу рисолачининг, тарихимизнинг айрим кўмитик жойларини яна тўлдиришга ҳисса қўшган бўлардингиз.

М. Мирхолдоровнинг аввалроқ Олмаотада нашр этилган илгордеҳқонлар тажрибаси ҳақидаги китобчаси, сўнграҳам юрти Юсуф Сарёмий газалларидан жамлаб чиқарган китобча ўқувчиларга маззур бўлган эди.

СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси, ҳассос қаламкаш, фидойи инсон Мираҳмад Мирхолдоровга ижодий баркамоллик тилаб, бундай савоб иш йўлида қилаётган ҳолис хизмати учун ташаккур изҳор қилгим ва бу йўлда ҳеч ҳориманг устоз, дегим келади.

Юсуфжон САЙДАЛИЕВ
ССЖИ журналистлар уюшмаси аъзоси, рўзнома муҳаррири.

Милоддан олдинги шаҳар

«Қари Сайрам шаҳри қадимги жуда катта шаҳар. Антишларича шаҳарнинг у четидан бу четигача бир кунлик йўл. Қирқ дарвозаси бор».

РАШИДИДДИН, XIII аср .

Сарём, Исфижоб, Урунқент, Мадинат ал-Байзо, Сайрам.

Бу кўҳна диёрнинг ўтмиши, тарихи қандай бўлганлигини биласизми?

Шузаминда туғилган олим фузулалар, машҳур кишилар, дэмюртларимиз Хожа Аҳмад Ясавий, Қози Байзовий, Иброҳим ота, Атоий, Аҳмад Исфижобий, Камолддин Исфижобий, Қутбиддин Вали, Лутфулло Сарёмий, Юсуф Сарёмий яратган маданий бойликлардан ҳабардормисиз?

Тўққиз аср мобайнида Чингизхон, Боту, Кунтайжи сингарилар 13 марта айрон қилиб келган бу шаҳарнинг қантадан қад тиклашига уз чирочини сақлаб қолишига сабаб нима бўлган?

Тарихини узини билмаган, унинг танимаган халқ — қаноатсиз куш.

Деб туғри айтишган. Даро ирмоқлардан куч олганидан халқ ҳам уз тарихидан руҳ олади.

Шунингдек, «Ўтмишга ҳурмат — бу ақлли дамни ваҳшиндан фарқловчи фазилатдир», деганида шоир минг бор ҳақ эди. Зеро, эҳдоқлар яратган бойликларни билмаслик рафосатдан бебаҳраликдир.

У У У

Олимлар Сайрам-Сарём бир ярим минг йил аввал вужудга келган, деб ёзишарди. Чунки, тарихини чораккам бир аср мобайнида туркий задаланиятни йўқотиш, авлодимизни 1400 йил фондаланиб келган алифбосидан маҳрум этиш, ҳақиқий китобларни йўқ қилиш йўлидан бордик. Сабоқсизлигимиз туйғайди она юртимиз, халқимиз ёшини ҳам унутдик.

Муруватли маърифатларварлар омон бўлинки, китоб титиб, тарихимизни ўрганаяптилар ва халққа етказаяптилар. Тарихимиздан

гувоҳлик берувчи шундай китоблардан бири — бундан 2600 йиллар илгари ёзилган зардуштилик динининг муқаддас китоби «Авесто»дир. Унда Урта Осиёдаги бошқа эл, шаҳарлар қатори бизнинг юртимиз САЙРАМ номи макон ва халқ номи сифатида тилга олинган.

Бу жуда қувончли ҳол! Себаби, бу билан Сайрам ёши, эл ёши икки ярим минг йилдан ошаяпти. Шу китобда «Сайрим» деб ёзилишини кеириш керак. Чунки, бошқа эл, халқ сузларини, атамаларини бугунги саводхон замонда ҳам бузиб ёзиб юрган имизни унутмайлик. Менинг назаримда, эронлар Сарёмни Сайрим деб ёзишган.

Бугун ҳам айрим мамлакатлар, халқлар номини уз миллати тилига мослаб аташ ҳоллари кўп учрайди. Ҳатто Чингизхон тарихчилари Сарёмни Сай-лато, хитой манбаларида эса Нучиган, Бейшунху ва бошқа номларда атаганлар. Шак-шубҳа йўқки, Сайрим — Сарёмнинг ўзига хос талаффуз қилинишидир.

Халқ ўртасида ҳам, айрим рисолаларда ҳам Сарёмни — Сони айём — иккинчи замоннинг бошланиши, деб изоҳлайдилар. Нух пайгамбар замонида оламни туйфон сув босади. Фақат Нух таёёрлаган кемада бўлган бир жуфт, бир жуфт жонзотлар ҳамда имон келтиргач ўруқ одамлар омон қоладилар. Кема Сарём яқинидаги Қозигурт тоғи чўққисига келиб қўнади. Тирки қолган жонзотлар Сарёмда «сои Айём» — иккинчи ҳаётни бошлаганлар, дейилади ривоятларда.

Шу китобчада илова қилинган «РИСОЛА» нусхасида ҳам, кўпгина олимлар китобларида ҳам Сарём — Сайрам — «Соилх тошлоқ сой», Исфижоб — «икки дарё оралғи», «Мадинат ал-Байзо — «Оқ шаҳар», Урунқент — «Оқ шаҳар» номлари борлиги тасдиқланади.

Сарём «Рисола»да ёзилишича бу шаҳарни (Нух пайгамбардан олдин) Идрис пайгамбар бино қилган ва Жума масжиди (ҳозирги автостанция) урни сумъалари бўлган. Бу ерда Хизр, Иброҳим, Исо пайгамбарлар ҳамда Нух ибн басра, Фирван ҳокимлари, Нуширавон уғиллари бўлганлиги тасдиқланади.

Яна ўша «Авесто»да мунозарали ҳамда тарихчиларнинг одил фикрини талаб этадиган қунидаги сузлар бор:

«Йаксаг ортида энг мардона саклар қабила-си яшанди. Улар уста қамончи бўлиб, отган ўқ-

лари бекорга кетмайди». Шу китобда булар Туронлар мамлакати Турон деб аталган. Шунда Қанқа вилояти тилга олинади. Сайрамда ҳам «Қанқа» деган жой бўлиб, у ердаги Тўрткўл тепаларида ўзаро боғлайдиган еростийли бўлган. Ҳозирча тўлиқ ёзма манбалар топилмапти, еростида ётган «лой, сополсаҳифалар» қазиб ўқилмапти. Бу ишга астойдил киришилса саволларга жавоб топилади.

Сайрамдаги мавжуд айрим буюмларда Исломдан илгариги пайғамбарларга нисбат берилган жойлар, ёзувлар, белгилар учраши ҳам диққатга сазовордир. Жумладан: Сайрамдан 7 чақирим шарқда Нуҳ ўғли Юша пайғамбарнинг қирқ метрга чўзилган қабри бор. Айримлар, ҳатто «Рисола»да ҳам Марям она қабристонини Исонинг онаси Марям онага нисбат бердилар.

Сайрамдаги Хожа Солиҳ ва Биби Гияз қабрларини Хизр пайғамбарнинг ота-оналари қабрлари дейдилар. «Ҳатто Хизр алайҳиссалом сажиди» ХХ асргача сақланган, минораси ҳануз савлат тўкиб турибди.

Шаҳарнинг ўрталигидаги Идрис масжиди ҳақида кўп ривоятлар бор. Одам атонинг набираси шу шаҳарни бунёд этган, бу ерда 30 йил яшаган. Масжид яқинида Хизр масжидигача ер ости — чиллахона бўлган. Шаҳарни ва масжиднинг тошдан йўниланг устунини ўзбек шоири Машраб ҳам келиб зиёрат қилган.

Кўп олимларнинг таъкидлашича, масжид устунидаги ёзув Исломдан олдин пайдо бўлгани, уни ҳали ҳеч ким ўқий олмаганлиги яна бир мўъжиза. Масжид ҳозиргача бир неча бор қайта тикланган.

«Рисола»да айтилишича, Исо пайғамбар замонларида Сайрам ва унинг атрофидаги халқлар оташпарастилар эди. Қуёшни, оловни улуғлаб, ўтга топинувчи зардуштий динида эдилар. Зардуштийлар китобида Сайрамнинг тилга олиниши бежиз эмасдир. Шунингдек, баланд деворлар билан ўралган қалъалар бўлганлиги, чорва моллар кўплиги ҳам таъкидлангани, бу кўҳна Сайрамга ҳам тааллуқлидир.

Шунинг учун ўлкамизда зардуштийликнинг пайдо бўлишига қисқача тўхтаб ўтишни лозим топдик. Зардуштийлик — бу оташпарастилик, яъни оловга сийнувчилар дини. У Эронда, Урта Осиёда, Озарбайжонда милоддан аввалги VП-VІ асрларда кенг тарқалган. Шу диндагиларни муғлар ҳам дейишади. Ислом динигача ҳукмрон бўлиб келган зардуштийлик кўҳна Сайрамда ҳам ҳукм сурган. Ҳатто баъзан ҳо-

зир ҳам учраб турадиган уй бурчакларига, қабристонга шам ёқиш, оловдан ҳатлаш каби одатлар оташпарастилик белгиларидир.

Сайрамда бундан уч йил илгари топилган беш хонали уйни «Будда монастири» деб кўпгина нашрлардан отўғри ёзишди. (Эътибор берсак, шу бинога куннинг узайган пайтида Қуёв ботаётганда ёруғлик тик тушиб, хоналарни ёрилади.

Буни биз зардуштийликка оид ибодатхона, яъни «муғ даири» дейишга ҳақлимиз. Шу ерда қадимги аждодларимиз «Худо-Қуёш» билан хайрлашганлар ва тез қайтишини илтижо этишган.

Қирмозорнинг қуйи қисмида топилганикинчи-учинчи ер ости уйлари, буюмлар ҳам икки ярим минг йиллик тарихни далиллайди. Ҳеч шубҳа йўқки, бу қирлар бағридаги кўп хоналик ертўла-форлар милоддан илгариги аждодларимизнинг яшаш жойларидир.

Сайрам (Исфижоб)га кўп олиму фузалоларнинг назари тушиб, у ҳақда ширин ва қимматли сўзлар ёзиб қолдирганлар. Мана ўша алломалар:

— Абу Райҳон Беруний (XI аср) — «Қонуни Масъудий»;

— Маҳмуд Қошғарий (XI аср) — «Девону луғотит турк»;

— Абу Исҳок ал Истаҳрий (IX-X аср) — «Тарих китоби»;

— Ал Маҳдиси (X аср) — «Аҳсан ат-тақасим»;

— Муҳаммад ибн Ибраҳим (X аср) — «Худуд ал-олам»;

— Муҳаммад Жадид ат Табарий (IX-X аср) — «Тарихи Табарий»;

— Ал Масъудий (X аср) — «Муруд аз-заҳаб»;

— Махтумқули (XVIII аср) шеърлари;

— Шайх Сулаймон Бухорий (XI аср) — «Луғати чигатой ва турки Усмоний»;

— Ёқут Ҳамавий (XIII аср) — «Муъжамул булдон»;

— Заҳириддин Бобур (XVI аср) — «Бобурнома»;

— Абдураззоқ Самарқандий (XV аср) — «Матлаи саядайн ва мажбаи баҳрайн»;

— Ибн ал-Асир (XIII аср) — «Ал Коми фиттарих»;

— Маҳмуд Вали (XVII аср) — «Баҳр ул асрор»;

— Мусо Саирамий (XIX-XX аср) — «Тарихи эминия»;

— Юсуф Сарёмий (XIX-XX аср) ғазал

яри;

— Шарафиддин Али Яздий (XIII-XIV аср) Зафарнома» ва бошқа асарларида Сайрамни ёзозлаб тилга олганлар.

Кўхналиги, улўғ кишилари ажойиб тарихи уфайли Сарём (Исфижоб)ни ўз асарларида урмат билан тилга олган олим-фузалоларнинг бир қисмини, эсланларимизнинг номлаинигина тилга олдик. Булардан ташқари кўпина рус, хитой, византия, эрон олимлари ҳам Сайрам ҳақида ёзганлар. Ишончимиз комилки, ўхна Сайрам тарихига оид ҳали кўп маълумотлар, янгиликлар очилади. Ушбу китобдан хабар олдиқ, Сайрам тарихини янада баркамол этиш нунузидаги бор китобдан, маълумотдан кўпчиликни хабардор этадиган мурувватли биродарларимиз борлигига ҳамимонимизкомил. («Сайрам тарихи» катта китобининг қўшни шахарларга олиб кетилгани ҳақида хабар бор).

Сайрам ҳақида диплом иши ёзган Н. Эраиев, Ю. Сарёмий ҳақида диплом иши ёзган Д. Турдиметовлар ҳамда бир қатор журналистлар ишларида Сайрам тарихини тўлдирадиган ичагина фикрлар бор. Келгусида ҳамюртларимиз келажаги бугундан порлоқ Сайрамимиз тарихидаги кемтикликни тўлдиришга бел боғвайдилар деб уйлаймиз.

Сайрам ҳақидаги энг нодир, қимматли китоблар эса асримизнинг 20, 30 ва ундан кейинги илларида нобуд этилган, ёқиб юборилган, сув-

га оқизилган, қудуқларга кўмилган. Ўзимиздан чиққан «хужайин»лар араб имлосидаги китобларни сақлаганларни, ўқиганларни «халқ душмани» қилиб, қаматтириб юборганлигини ёшавлод ҳам билиб қўйиши керак.

Илмни қадрловчи мамлакатлардаги араб ва бошқа тиллардаги китобларда ўлкамиз, шахримиз тарихига оид маълумотлар борлигини билардик. Буни анча олимлар ўрганишган. Каминанинг илтимосига мувофиқ бир неча араб мамлакатларида бўлган Зоҳиджон Қодирхонов (Ўзбекистон ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси раисининг ноиб) Ибн-ал Асирнинг 9 томлик «Ал Комил Фиттарих», Ёкут ибн Абдуллоҳ Ҳамавийнинг кўп жилдлик «Муъжамул Булдон», Ал-Мақдисининг китобларидан Сайрам ҳақидаги саҳифаларини камоли ҳурмат билан ёзиб олиб келиб бердиларки, булардан ҳам сиз ушбу китобда хабар топасиз.

Халқимизнинг ўз она юрти тарихига қизиқиши, ватанпарварлик ҳисси туфайли биз Сайрам тарихини халқимиз қўлидаги ихчам Сайрам тарихи «Рисола»си ва жаҳон олимларининг шу қадими шаҳар ҳақидаги қимматли фикрлари асосида ездик. Зеро, инсон умри шаҳар умридан бир неча баравар қисқа. Узинг кўрмаган давроқеаларини ёритишда камчиликлар бўлиши мумкин. Агар баъзи бир хатоларга йўл қўйсақ, билганлар тузатсин, бунинг учун олдиндан миннатдорчилик билдираемиз.


Сарёмда бор сонсиз боб,
Ётибдур ҳоқи туроб,
Тайинлиги Исфижоб,
Шаҳри САРЕМ эмасму!



Дарвишларнинг бозори,
Орифларнинг гулзори,
Азизларнинг мозори,
Шаҳри САРЕМ эмасму!



Боди ҳавоси тоза,
Суви эрур бамаза,
Ҳар ерда бор овоза,
Шаҳри САРЕМ эмасму!



Иброҳим ота мақбараси

**Зоҳидларнинг макони,
Обид ларнинг дўкони,
Яхши эронлар кони,
Шаҳри САРЕМ эмасмۇ!**

**Ҳар қадамда авлиё,
Ҳар бири валиюлло,
Сонсиз боб кон авлие,
Шаҳри САРЕМ эмасмۇ!**

САРЁМ — ИСФИЖОБ

Кишилик маданияти тарихининг энг қадимий бешикларидан бири Урта Осиё, шу жумладан Сарём кўпчиликини қизиқтириб келган. Милоддан 6-7 аср илгари яратилган «Авесто» номли китобда ва Сарём «Рисола»сида бу мароғда жуда қадимдан бери одамлар яшаганиги баён қилинган. Бу ерда массагетлар, саклар, сугдийлар, кейинроқ қарлуклар, хуннлар шаганлар ва узоқ тарихий давр давомида қаллашиб, чапишиб бориш натижасида, бунинги туркий халқларининг бобокалонлари дунёга келган.

Кейинчалик булар ўтроқлашиб, «Авесто»да таъкидланганидек, мустақкам истеҳкомли қалъаларга ҳам эга бўлганлар. Юртимизда чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожлана борган.

Ииллар, асрлар ўтди. Узаро урушлар, босқинчиликлар халқ тақдирини не аҳволга соллади, деисиз. Тарихнинг бу саҳифалари яхши яритилмай қолганининг сабаби ҳам шундадир.

Машҳур тарихчилардан Табарий «Тарихи аърабий» китобида, Масъудий «Муруджаз Заъаб» асарида милоддан аввалги Сарём ҳақида жуда қимматли маълумотлар берадилар. Уларнинг ёзишича, милоддан аввал III-II асрларда Еттисув, шу жумладан Сарём ҳам ҳоқим Қорахон тасарруфида бўлган. Тож-тахт мун кураш қизгин давом этарди. Атрофдаги яллатлар, халқлар бир-бирига ҳужум қилар, ҳоли бошига кўплаб қийинчиликларни соларди. Натижада деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчиликка зарар етказиларди. Табарий ва Масъудийнинг ёзишича, ҳатто ҳоқим Уғузон отаси — Сарём ҳоқими Қорахонга қарши лашкар тортиб, ғолиб чиққан. У «Талас ва Сарёмдан Бухорогача бўлган вилоятни эгаллайдди».

«Рисола»да Искандар Зулқарнайнинг гузари Сарёмга тушганлиги ҳам ёзилган. Мўътабар манбаларда эса милоддан олдин 329-328 илларда Урта Осиёнинг кўп шаҳарларини қаллаган Искандар Самарқандни ўзига марказ қилиб олган, Сирдарёдан ўтиб саклар,

массагетлар билан тўқнашганлиги ёзилади.

Самарқанд-Мароканда македон гарнизонларига қарши Спитамен қўзғолони ва ҳужуми ҳавфи кучайганлигидан хабар топган Искандар уч кун тинимсиз йўл юриб (Сарём атрофларидан) Самарқандга етиб боради. Масофа Искандар юртимиздан юриб ўтганлигини далиллайди.

Ҳеч шубҳа йўқки, Искандар Урта Осиёга кўп талафот етказган, миинглаб одамларни қириб ташлаган.

Милодий I аср охири ва III аср бошларида раванқ топган Кушон подшолиги даврида Урта Осиё шаҳар ва қишлоқлари анча ривожланган бўлса, бундан кейинги даврда тушқунликлар рўй бера бошлади. Узаро урушлар, деҳқонлар мол-мулкнинг талон-торож этилиши туфайли улар Еттисувга — турк мамлакатига қочиб кела бошладилар.

Эрон подшолигининг Мовароуннаҳрга ҳужумлари бу ердаги подшоларни сиёсий, ҳарбий, иқтисодий алоқалар ўрнатиб, бирлашиб ҳамкорлик қилишга мажбур этган эди.

V-VII асрларда Сарём номи билан аталмиш бу ўлка ўз атрофидаги элларни, ярим ўтроқ ва кўчманчи элат ва халқларни ўзига кўпроқ жалб қила бошлади. Халқ деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланар, Буюк ипак йўли савдосида қатнашар эди.

Гуруҳлар, элатлар ўртасидаги жанжаллар, босқинчилик урушлари ҳамма асрнинг марози. Ҳатто 640 йили Сарёмни турк Хоқон ибн Дулу эгаллаган бўлса, кўп ўтмай бу ерга Хоқон ибн Шейғуй бостириб келади. Ерли халқ ибн Дулуни ёқлагани учун урушда ибн Шейғуй енгиларди ва чекинишга мажбур бўлади. Бу ўлкада бироз тинчлик ҳукм суради.

629 йили Еттисув ва Сарём бўйлаб ўтган Хитой сайёҳи Сюан-Цзян эсдаликларидан Сарём ҳақида шундай ёзади: «Энг бой ўлка, жуда йирик савдо шаҳри, ери унумдор, мевали дарахтлар билан қопланган».

Сайёҳнинг бу маълумоти жуда қимматли. Эътибор беринг-а, «энг бой ўлка», «жуда йирик савдо шаҳри» бўлиш учун ўша даврда

бир неча аср талаб қилинмасмиди?

Бой ўлканинг деҳқончилиги анча ривожланган, шаҳарда ҳунармандчилик юксак даража-

да бўлгани учун ҳам бундан 20 аср илгари у «жуда йирик савдо шаҳри» даражасига етган эди.

Ўлкамизга VIII асрдан бошлаб араблар кириб келади ва ислом динини кенг тарқатиш даври бошланади. Сарём ва унинг атрофидаги шаҳар ҳамда қишлоқлар аҳолисини муслмонлаштириш Хуросон ноиб Кутайба ибн Муслим ғозийлари, Исҳоқбоб лашкарларининг 714 йил Шош ва Сарёмга кириб келиши билан бошланган эди. Мажусийлар кўп қурашдан сўнг исломни қабуллаш билан бирга араб импосини ҳам аста-секин ўзлаштирадилар.

Исломгача Сарёмда бўлган Идрис пайғамбар масжиди, Марям она, Хизр пайғамбар ота-оналари макбаралари ва қаср бинолар, ғор-лахмлар сақланиб қолади. Келгусида Сарём ислом динини тарқатишда ҳамда ўз атрофидаги қабила ва халқларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ривожлантириш, а катта роль ўйнайди.

Қарлуқлар дохийси Қодирхон IX аср бошларида Сарём (бу пайт Исфижоб деб ҳам атала бошлаган) ҳокими бўлиб, Хоқон деган атоқ олганди. Тарихчи ва географ Якубий IX асрда бу ўлкада деҳқончилик ва ҳунармандчилик ривожланганини ёзади. «Жаҳон бозорида, жумладан Бағдод шаҳри бозори расталарида Ёлх, Марв, Хоразм ва Исфижобдан келган кишилар савдо қилишгани» таъкидланган. Ана шу вақтда Исфижобдан Хоразмгача доимий савдо карвони қатнаган. Бу ердан қозон, кетмон, чироғдон, қурол-яроғ, ҳунармандчилик буюмлари, газламалар ортиб кетиларди.

Ери серунум, боғ-роғлари сероб, узумзор бу ўлкага Сомоний Нух ибн Асад 840 йилда бостириб қиради. Шу йиллар воқеасини шарҳлаб тарихчи Ибн ал-Асир шундай ёзади: «Уша йили Нух ибн Асад Мовароуннаҳрдаги Косон ва Уш шаҳрини фатҳ қилади. Бу шаҳарлар сулҳни бузган эдилар. Шунингдек, Исфижобни ҳам фатҳ қилиб, атрофида девор бино қилди». («Ал комил Фиттарих», 6-том, 509-бет).

Ўз йилга яқин сомонийлар кўли остида бўлган Исфижобнинг мавқеи анча ошади. 874-904 йилларда Сомонийлар ҳокими Исмоил Аҳмад даврида Исфижоб ҳокими султон Мансур Ҳамир ҳам шаҳар ободончилигига катта эътибор беради.

«Рисола»да ва тарихий китобларда таъкидланишича, Мансур Ҳамир ҳокимлиги даврида душман бир неча бор Исфижобга қарши ҳужум қилади, лекин ҳужум мардона қайтарилади. Бунга сабаб IX-X асрларда шаҳар деворлари, ҳимоя истеҳкомларининг мустаҳкамлиги ҳамда Исфижоб халқининг ватанпарварлигидир.

Шундай бўлса ҳам бир тўп чақимчилар иғвоси билан Султон Мансур Ҳамир Самарқанд зиндониде етти йил ҳибсда ётади. Айби йўқлигига ишонч ҳосил қилган Самарқанд подшоши Исмоил Сомоний уни озод этади. (Бу ҳақда кейинги қисмда ўқийсиз). Унинг: «Эй Мансур Ҳамир сани подшоҳлигинг оламга машҳур эрди», деб таъкидлаши, халқ ғамида қайғурган Султон Мансурга миннатдорчилик билдириб, инъомлар бериши янада муҳимдир.

Шуни таъкидлаш керакки, «Рисола»даги воқеалар 900 йилгача Исфижобга ҳокимлик қилган Султон Ҳамир ҳиқоиси билан тугайди. X аср ва ундан кейинги минг йиллик тарих, Сайрам ҳокимлари, ҳатто Чингизхон, қалмоқлар, мўғуллар ҳужуми, вайронагарчиликлар «Рисола»да ёзилмаган. Шунинг учун ҳам бу «Рисола» X-XI асрда ёзилган кейинги воқеалар кўшилмай, кўчириб олина берган. Натижада биз «Рисола»ни Юсуф Сарёмий ёзган деган олимлар фирини нодуруст деб ўйлаймиз.


Фақат «Рисола»га илова қилинган «Шаҳри Сарём эмасму», «Райҳон», «Қиш» шеърлари Юсуф Сарёмийники бўлиши мумкин.

Исмоил ибн Аҳмад (892-907) сомонийларнинг энг серғайрат ҳокимларидан бири эди. У давлат ҳокимиятини кучайтиришга, марказлаган ҳокимият тузишга катта эътибор беради. У фан, савдо ва ҳунармандчиликнинг раванқ топиши ҳақида кўп қайғурган.

Нух ибн Наср (943-954) даврида Самарқанд бир неча ой сомонийлар пойтахти бўлган. Нухнинг вафотидан кейин ҳокимият даражаси пасая борди.

Ниҳоят сомонийлар давлати қорахонийлар сулоласи бошчилик қилган кўчманчи туркларнинг зарбаларига учрай бошлади ва ниҳоят 992 йилда Тароз ва Баласоғун ҳокими қорахоний элладидан Хорун Буғраҳон (Қорахонийлар даврида «Буғраҳон» сулола хонларининг





Балогардон бобо (Абдул Азизхон) мақбараси



лақаби бўлган. «Муъжамул булдон» 1 т. 179 б.) сомониёлар давлатига бостириб кириб, ғалабага эришди. Исфижоб ҳам қорохонийлар ҳокимиятига қарам бўлиб қолди. Бу даврда шаҳарнинг ҳар тарафлама ривожланиб борганлигини тарих таъкидлайди. Абу Райҳон Беруний «Қонуни Масъудий» китобида оламни етти иқлимга бўлиб, Самарқанд, Шош, Фарғона, Хоразм қаторида Исфижобни бешинчи иқлимга киритади ва ўз ҳаритасида кўрсатади.

Шу нарса қувонарлики, қадимий олимларнинг ҳариталаридан улуғ шаҳарлар қаторида Сарём, Сайрам, Исфижоб ҳам ўрин олган. Биз кўриб чиққан VI-VIII асрлар, XI-XIII асрлар, XIX-XV асрлар, XV-XVII асрлар ҳариталарида қадимий улкан шаҳарлар қаторида Исфижоб ҳам катта майдонни эгаллаб турибдики, бу «бошқа шаҳарлардан неча марта катта» дейилган фикрга далилдир.

Ёқут Ҳамавийнинг ёзишича: «Исфижоб Моворуннаҳрдаги катта шаҳар бўлиб, Туркистон чегарасига жойлашган. Унинг кенг вилояти ва шаҳарга ўхшаш бир неча қишлоқлари бордир. У бешинчи иқлимда, **Исфижоб энг обод, тоза ва серҳосил ер, дарахтларга эга, оқар сувлари ва гуллаб-яшнаган боғ-роғли шаҳар.** Хуросон ва Моворуннаҳр шаҳарлари ичида фақат Исфижоб бож (хирож) тўламас эди. Чунки у чегарада жойлашган бўлиб, (маблаг) хирож қурол (мудофаа) учун сарфланар эди».

Ҳамма сайёҳ, элчи, савдогарларнинг эътиборини қозонган Исфижобга қўшни ҳокимлар ҳам кўз олайтирар, босиб олиш учун қўшин тортиб келиб, вайронагарчиликлар келтириб чиқарар эдилар. Шунинг учун ўз шаҳрини ташиқи ҳужумдан сақлаш чора-тадбирлари кўрилганди.

Қадимий Урта Осиё шаҳарларида бўлганидек, Исфижоб марказида ҳам девор билан ўралган Шаҳристон бўлган. Бу ерда шаҳар ҳокимлари, дин раҳбарлари, уларнинг хизматкорлари, оилалари турган, оғборлар бўлган.

Шаҳристондан икки-уч километр қочқиликда иккинчи девор бўлган. Шаҳарнинг бу қисмида яшаган черик бошлиқлари, бойлар, мулалар, ўрта раҳбарлар ва бошқалар ҳам Шаҳристон хизматида бўлган. Шаҳарнинг учинчи девори экинзорлар, боғлар, молхоналар, ҳовузлар, деҳқон ва чорвадорлар кулбаларини муҳофаза қилувчи девор бўлган.

Иккинчи девор рабаданан 5, баъзан 8 қақирим наридан ўтган. 40 дарвозалик девор эса 50-60 қақиримга чўзилган. Буларнинг тахми-

ний ўринларини белгилашда шу китоб сўнгиини ҳаракат қиламиз.

Тарихчи Ал-Мақдисий шундан ёзади: «Хуросон, Сижистон, Моворуннаҳрни Абу Заид уч иқлимга бўлган. Биз бир иқлим ва ўртасидан Жайҳун дарёси бўлиб турган икки томонга бўлдик. Бу томонни 6 туман ва 4 ўлкага бўлдик. Биринчи кун чиқар тумон ва турклар чегарасига жойлашган Фарғона, Исфижоб, Шош, Ашрусан, сўғд, Бухородир. Аммо Исфижоб мўътадил иқлимлик энг катта шаҳар (пойтахт)».

«...Исфижоб, — деб давом этади олим, — муҳим шаҳар бўлиб, қалъаси девор билан ўралган. У обод шаҳар. Унда пахта газлама-лардан қилинган кийимлар сотиладиган бозори бор. Унинг тўрт дарвозаси бўлиб, ҳар дарвоза қошида работи бор: Нуҷакент, Фархон, Шукрона, Бухоро дарвозалари».

(«Аҳсан ат-тақасим», 363-бет).

Олимлар Исфижоб чегарага жойлашган муҳим стратегик қалъа эканлигини таъкидлаётти. Шунингдек, 1700 қарвонсаройи бўлган шаҳарни кўз олдингизга келтиринг. Работ — қарвонсаройлар бу ерга келувчилар учун меҳмонхона, дўкон, ошхона, аёлча воситасини ўтаган.

Шаҳарнинг тоза, озодлиги, ободлиги учун бир ярим аср давомида Мадинанал Байзо — «Оқ шаҳар» деб атаб келинганлиги бежиз эмасдир. Биз бу ном ҳам мўғуллар истилоси давригача Исфижоб номи билан бирга атаб келинган деб ўйлаймиз.

Исфижобнинг IX-XI асрларда ривожланиб, обод бўлганлигини далиллайдиган бундай тарихий маълумотлар анчагина. «Рисола»да таъкидланганича, шаҳарда юз мингдан кўп уй, юзлаб масжид, ўнлаб мадрасалар ва бошқалар бўлган.

Тарихчи Ал-Мақдисийнинг ёзишича: «Исфижобда IX аср урталарида ўзининг танга зарб этадиган зарбхонаси бўлган».

(«Аҳсан ат-тақасим» асарида).

919-920 йилларда ҳам Исфижобда Аҳмад Сомоний номи билан тангалар зарб этилганлиги маълум. Сайрамнинг Урта асрда ҳам катта ва обод бўлганлигини «Қозғистон ССР тарихининг 1-том, 355-бетидаги қуйидаги сўзлар ҳам далиллайди: «Тарихий манбаларга кўра Тароз ва Исфижоб шаҳарлари айланаси Самарқанд ва Шош шаҳарлариникидан кам эмас эди. Шаҳар айланаси 10 лига (1 ли — 03 -05 км) тенг эди»

Шаҳарда ҳунармандчилик авж олган, темирчилик, деғрезлик, кулолчилик ривожланган эди. Бу ерда найза, пичоқ, санчқилар, қилич, қурак, қалқонлар, қолқонлар ишланар, ҳар хил матолар туқиларди, турли безак буюмлари, еғочсозлик, уи, дала ишларига яроқли буюмлар тайёрланарди.

Араб тарихчиси Мақдисий (X аср) Қорахонилар давридаги савдо-сотик ҳақида шундай ёзади: «Шошдан эчки ва қўй терисидан тайёрланган эгарлар, уқдон, чодирлар олиб чиқиларди. Фарғона ва Исфижоб туркларидан оқ мато, қуроллар, қилич, мис ва темир буюмлари чиқариб сотиларди».

Тарихчиларнинг: «Тароз савдогарлар шахри», «Исфижоб — бутун дунё савдогарлари учун қондир» деиши бежиз эмас.

Мол ортган кўпгина қарвонлар Сайрамдан Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Сурия, Миср, Византия, Русия ва бошқа элларга борар ва бу ерга келиб катта бозорида савдо-сотик қилардилар.

Бог-роғларда мевали дарахтлар кўплиги, бу ерда пахта, бугдои, полиз, сабзавот экинлари, арпа, тарик экилиши, табиатнинг бойлиги, чорва молларининг кўплиги жаҳон ҳокимлари эътиборини узиға тортибқолди.

X-XI аср олимлари маълумотига яраша Еттисув ва Сирдарё шаҳарларининг бир қисмида сўғдийлар яшаган. Сўғдийларнинг ўз атрофидаги бошқа миллат ва элатларга таъсири кучли эди. Аралашиш, турклашиш бу вақтда анча тез борарди. Маҳмуд Қошғарий ёзади: «Исфижобдан то Баласоғунгача аргу шаҳарлари бор. Аргулар Чинга қадар чўзилган. Аргулар икки тилда сўзлашувчилардир». (1т).

«Рисола»да таъкидланишича, Исфижобга IX-X асрларда Суюк Тегин (70 йил), Қорабуграҳон, Чағир Тегин, Арслонхонлар ҳокимлик қилганлар. Аммо ҳокимлигининг аниқ йиллари курсатилмаган. Бунга ибн Ал-Асирнинг «Ал-Комил-Фиттарих» китобидаги ушбу сўзлар бироз аниқлик киритади: «Аммо Қора тегин Бўстда 937 йилда вафот этди ва Исфижобга олиб борилиб, Қоратегининг работи деб машҳур бўлган ерга дафн қилинди».

...961 йилда... «Мансур ибн Қоратегини ўлгач, Хуросон аскарлари Нишопурга қантиб кетдилар ва Мансурни олиб келиб, Исфижобга, отасининг ёнига дафн қилдилар» (шу асар 8 том, 492-бет).

Дарҳақиқат, X аср охириларида сомониилар давлати кучсизлана бошлаганидан фойдала-

ниб, қорахонийлар Еттисув ва Исфижоб вилоятларини босиб олади. Улар Қошғардан Исфижобгача булган ерни 992 йилгача эгаллаб олган эдилар. Бу даврда ҳам Исфижоб ўз мавқенини иўқотмаган, обод, машҳур шаҳар эди.

Номаълум олимнинг 983 йилда ёзилган «Худуд ал-олам» китоби Урта Осиё тарихини ёритишда қимматлидир. Фарғона, Самарқанд, Фароб ва бошқа шаҳарар қатори Сайрамга ҳам таъриф берилган:

«Исфижоб — Туркистон чегарасида, кенг ва обод жойдадир. Намат босилади, қўй боқилади. Исфижоб шаҳрига дунёнинг барча вилоятларидан савдогарлар келади. Исфижоб билан (Сир) дарё орасида кенг яйлов бор, бу Исфижоб, Шош, Форобга тегишли. У ерда туркларнинг 1000та кигиз ўтову кўриниш турради».

Тарихчи ибн Ал-Асир юқоридаги китобида 1016 йил воқеалари, Исфижоб ҳокимлари ҳақида ёзади: «Қодирхон одил, яхши хулқли, жиҳод қиладиган одамдир. У вафот этгач, ундан уч ўғил қолди. Арслонхон (Шарофуддаула) Қошғар, Хутон, Баласоғунга ҳокимлик қиларди, иккинчи Буграҳон ибн Қодирхон Тароз ва Исфижобга ҳокимлик қиларди. ...Шарофуддаула ўз ака-укалари ва қариношларини ўзиға итаат қилдирди...» (9 том, 299-бет).

1032 йилда Қодирхон Юсуф Еттисувни, Исфижобни, Тароз, Шарқий Туркистонни эгаллайди. У ҳокимлик йилларида ҳам бу ерда дехқончилик, ҳунармандчилик ўсган эди. Қодирхон вафотидан сўнг бу жойларнинг кўп қисми унинг ўғли Бугратегин Сулаймонга тегиди. Унга Арслонхон, уқаси Муҳаммадга Буграҳон деган атоқ берилган эди. Улар ўша даврнинг машҳур шахри Газна ва унинг ҳокими Масъуд билан яхши алоқа урнатган эдилар. Узаро савдогарлар. олимлар бориб-келиб турардилар. Кўпгина алломаларимиз уша даврда яшаганлар.

Дехқончилиқни ривожлантириш учун сўғорини ариқлари кўплаб қазилганди. Ҳатто ҳозир ҳам атрофга синчиклаб қаралса, кўп жойларда ариқларнинг эски ўзэнлари кўзга ташланади.

Шаҳарнинг икки чеккасида ўтган Оқсув ва Бодом ариғи сувларидан фойдаланилганлигини далилловчи бундай ашёлар кўп. Бу иккала дарёчанингни суви ҳам тоғдаги қорлар эригач, оқиб тушадиган сувдир.

Оқсувдан олинган Оломон ариғидан анча илгари ҳам кўҳна ариқлар бўлган. Арслонхон подшолиги даврида Бодом ариғи қазилганлиги «Рисола»да айтилади: «Ариқ қазиш навбати бошбоқчи касабасига етди. Эрса Арслонхон кўйган одамни уриб ўлдирдилар. Ул воқеани Арслонхон эшитиб, бошбоқчиларга хун баҳо солди. Эрса ул жамоага, ҳар кишига даҳним солиқ тушди».

Сувнинг муҳим ҳаётий масала эканлиги «Рисола» саҳифасида Самарқанд ҳоқими Исмоил Сомоний билан Сарём подшоси Мансур Ҳамир суҳбатида ёрқин кўрсатилган: Зиндонда ўз биродарлари билан учрашиб аввало «Тоғларда қор кўпми?» деб сўраганидан ажабланган ҳоқимга Мансур: «Менга райият холини сўрамоқ вожиб турур. Тоғларда қор кўп бўлса, зироатга сув кўп бўлур» дейди.

Боғдод халифаси Бувейҳид саройида 945 йилги тузилган йўл саёҳатномасида шундай сўзлар бор: «Шош шаҳридан Газирдгача масофа 7 фарсах, у ердан Исфижобгача 4 фарсах. Исфижобдан кейин 4 фарсах, чўлдан юрилса Шаробга келинади. Бу ерда Мава ва Юран деган иккита катта дарё...» Бундан 1050 йил илгари яратилган бу йўл кўрсаткичи юртимизга ўша даврдаги катта талаб, қизиқишлар туйғайли бўлганлиги бежиз эмас.

«Қадимги Қозоғистоннинг ҳазинаси» (Олмаота 1979 йил) китобида Сайрамдаги бир қатор мақбаралар ва уларга изоҳлар берилган. Шунингдек, X-XII асрлардаги йирик шаҳарлар қаторида Исфижоб (Сайрам) алоҳида тилга олинади. XIII аср олимларининг «гуллаб-яшнаётган ва энг хушманзарали» Сайрам вилояти ҳақидаги фикри берилган. Буоқ ипак йўли савдо-сотифида Сайрамнинг фаол қатнашиши таъкидланади.

XI асрда Маҳмуд Қашғарий картасида, бундан илгарироқ энциклопедик олим Берунийнинг (973-1048 й)жаҳон картасида ҳам Исфижоб кўрсатилган. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, мазкур ва булардан кейин яратилган карталарда Исфижоб вилояти катта майдонни эгаллаган.

«Исфижоб, — деб ёзади Урта аср тарихчиларидан бири, — Мовароуннаҳрдагикатта шаҳарлардан бири. У Туркистон чегарасида... Бу шаҳар Аллоҳ марҳаматидаги ва жуда гуллаган бисёр мевали дарахтлар, ажойиб боғлар ва оқиб ўтадиган суяларга эга».

Исфижоб (Сайрам) шу тариқа етти иқлимга номи кетган машҳур шаҳар эди.

Маҳмуд Қашғарий ёзади: «Қорачуқ — Фо-

роб шаҳрининг номи. Бу — ўғузлар мамлакатининг номи». «Исфижоб — Сарём ўрнидаги қадимий шаҳар. Сайрам — Исфижоб — ҳам дейилади, Байзо шаҳрининг оти. Буни Сайрам ҳам дейилади».

Айрим тарихчилар Исфижоб Шош (Тошкент) ва Сайрам ўртасига, айримлар Чимкентнинг ғарбига, баъзилар Бодом бўйига жойлашган деган маълумотларни берадилар. Бу нодуруст. Биз кўрган карталардаги Исфижобнинг ўрни жуда кенг майдонни: Олотоғ, Қозифурт, Қорасмон, Тароз оралиғидаги майдонни эгаллаганки, баъзан буни назарда тутмасдан янглишадилар. Жуда кўп тарихий манбалар, атрофларда Сайрамга тааллуқли буюмларнинг топилши, атамалар, воқеалар фикримизни далиллайдди.

Сарёмдаги кенг кўламда олиб борилган қурилишларга айниқса, мудофаа деворлари асосига чор қирра қора тошлар Қозифурт ва Олотоғдан тошиб келтирилган. Ёғочларни Олотоғда тайёрлаб, катта сувларда оқизиб олиб келишган. Шаҳарда жуда кўп хумдонлар бўлганки, булар ғиштга бўлган эҳтиёжга яраша ишлаб турган.


Арслонхон ариқ қаздириш билан бирга кўпгина қурилишлар ҳам қилгани ҳақида шундай хабар бор: «...Арслонхон ҳам ўз замонида қалъа олдирур бўлди. Эрса устадан минг уста тайин қилдилар... Ва тақрибу қалъани 12 минг киши ўн йил ишлади. Ҳар қайси одамга қалъа тамом бўлганидан сўнг 100 ботмон ғалла, 100 олтидан берди, ҳақиқа».

(«Рисола» Сайрам. 10-бет).

1219 йилгача Исфижоб (Мадина ал Баизо) шаҳрининг шухратини ўша пайтда етишиб чиққан машҳур олимлар ҳам улуғлаганлар.

Ёқут Ҳамавий шундай ёзади: «Исфижобдан ҳамма фанларда машҳур, моҳир бўлган бир ғуруҳ олимлар етишиб чиққан. Шулардан бири Абул Ҳасан Али ибн Мансур ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ал Исфижобийдир. Вафоти 380 х. й. (988 м. й.)» («Муъжамул булдон» 179-бет).

Тарихчи ҳамюртимизнинг қомусий олимлигига ишора қилаяпти. Ўз даврининг машҳур олимлари улуғ шоир Хўжа Аҳмад Яссавий (1041-1166 й), «Қуръон»ни тафсир қилган Қози Байзовий, 37 китоб ёзган Лутфулла Сарёмий, вилоят олимлари устози Камолиддин Исфижобий (Бўзлок ота), Қутбиддин Аллома,



Хожан Солиҳ мақбороси



Аҳмад Исфижобий ва бошқалар X-XII асрларда она шаҳри номини жаҳонро яна юксакка кутарган эдилар. «Рисола»да эса 80 га яқин шундай азишлар тилга олинди.

XIII аср бошларидан Исфижоб Хоразмшоҳ тасарруфида эди. Ҳамма томонлама гуллаб-яшнаган бу шаҳарни Мухаммадшоҳ ноиблари бошқарди. Лекин шох райият аҳволига эътибор бермай, жойларда парокандаликка йўл қўйди. Исфижоб ҳам Еттисув ва Сирдарё бўйларидоғи шаҳар ва вилоятлар сингари низо ва туполонлар гирдобиди қолди. Уз қарамоғидаги ерларни яхши бошқара олмай қолган, ҳокимияти ичкарасидан инқирозга учрай бошлаган Мухаммадшоҳ бу ўлкада турли йўللар билан талон-тороғликка йўл қўяди.

Тарихчи Ибн ал-Асирнинг ёзишича: «Мовароуннаҳр подшоҳи Хоразмшоҳ дунёдаги энг покиза ва обод шаҳарлардан булмиш Шош, Фарғона, Исфижоб, Косон ва унинг атрофидаги шаҳарлар аҳолиларига уз юртини ташлаб, бошқа ислом диярларига кучиб кетишни буюрди. Сунгра бу шаҳарларни харобага айлантирди. Бунинг сабаби, мўғул татарлари бостириб келиб, бу шаҳарларга эга бўлиб қолишдан қўриқиб, шу ишни қилган эди». («Ал Комил Фиттарих» 12-том, 281-бет).

Уз она юртини, асрлар давомида қад тиклаган манзилгоҳини ташлаб кетиш қийинчилигини куз олдингизга келтириб куринг-а. Исфижоб халқи ҳам шу кўфратни бошидан кечирди. Жабрдийдалар қанси ўлкаларга тентираб кетди, кейинги ҳаёти қандай кечди. Бу — тарихнинг номавълум саҳифалари.

Ёқут Ҳамавий шу дар воқеалари ҳақида «Муъжамул Булдон» (I жилд, 178-бети)да шундай ёзади:

«Исфижоб атрофида Тароз, Саврон, Соникс (?), Фороб каби шаҳарлар бор эди. Бу томонларга ҳам замона офатлари етиб келди: аввало Хоразмдан шох Мухаммад бу ерларни харобага айлантирди. У Мовароуннаҳрга подшоҳ бўлиб, бир неча шаҳарларнинг ҳокимларини хиенаткорликда айблаб йўқотди. Улар бошқариб келганларни сақлаб туришдан ожиз бўлди ва уз қўли билан шу шаҳарларни вайронга айлантириб, черикларига талон-тороғ қилдирдилар. Шаҳар аҳолиси уз хонадонларини ташлаб чиқиб кетдилар».

Иккала олимнинг фикри бирдай чиқаяпти.

Бундай ички инқироздан хабар топган ва Хитойни босиб олган, катта ҳокимиятга эга бўлган Чингизхон «юборган элчи ва қарвонларини талади, улдирди», деган баҳона билан

катта қушин туллаб, Мовароуннаҳрга ҳужум бошлади

! Чингизхоннинг кўп қишлоқ лашқари машҳур олим Мухаммад Форобий Ватани — Утрорни қамал қилиб турарди. Қамал беш ойна давом этди. Шаҳар подшоҳи Инолхон аввалроқ мўғуллар савдо қарвонини нобуд қилиб, Чингизхон одамларини улдириб ташлаганлиги учун ҳар бир черик дилида уч олиш, боилқ орттириш ҳирси жўш урарди. Шаҳар лашқарбошиси Қоража подшоҳга аҳволдан хабар берди: халқ беш ойна ичида толиқиб қолди, таслим бўлайлик, деб маслаҳат берди. Инолхон кўнмади. Қоража кечаси мўғулларга 10 минг черик билан таслим бўлди. Суфихон дарвозага доинона очиб берилди. Обод шаҳар кўчкона-вайронга айлантирилди, эркакларнинг бир қисми Мўғулистонга, бошқалари келгуси ҳужумларда «тирик қалқон» сифатида фондаланиш учун дашта ҳайдаб чиқарилди. Чингизхон черикларига бир неча кун шаҳарни талаш ва дам олишларига рухсат берди.

Вақшиена қилинган хатти-ҳаракат туфайли обод, машҳур Утрор вайронга айлантирилди. Мўғул босқинчилигини курган тарихчи Ибн ал-Асир (1150-1233 й) ёзади: «Мўғуллар... ҳеч кимга раҳм қилмас эдилар. Уларнинг дастидан омон қолган шаҳар йуқ. Улар ҳамма жойини хароб қилар эдилар».

Худди ана шу йил жаҳонга машҳур, «40 дарвозали», Мадинатал Баиво — «Оқ шаҳар» деб мақталган, обод, бой Исфижобга Чингизхон лашқарлари бостириб қиради. Биринчи, иккинчи мудофаа деворларини тезлик билан эгаллаган мўғуллар сунги девор атрофида шаҳарни бир неча ойна қамал қилиб туршига мажбур бўладилар.

Уша машъум йиллар ҳақида тарих саҳифалари гувоҳлик беради: «Еру осмон яратилгандан бери мана шундай қурилган офат келди — бу мўғул татарларининг Хитой ерларидан утиб келиб қилган ҳужумидир. Улар... одамларни улдириб, боғу-роғлар ҳамда баланд қасрларини ваيران қилдирилди, қуруқ деворларининг аҳолиси қолдирилди. Бу шаҳарлар аҳолиси солик, ибодатгўи ва ислом динини мустаҳкам ушлаб, унинг ҳукмлари ва шартларини бажарадиган одамлар эдилар».

«Муъжамул Булдон».

Босқинчилик мақсади аниқ: талаш, қириш, уз манфаати иулида ерли халқни эзish эди. Бу гал ҳам шундай бўлди: «савдоси, ҳунар-

мандчилиги оламга машҳур, халқи кўп, бой Исфижобни Чингизхон бир ҳафтада вайрон қилиб ташлади, шаҳарни одамлар ўлиги билан тўлдириди.

(Тарихчи Е. Смирнов маълумотидан).

Халқимиз «Мўғул келди, ўғри келди,

Жўжи келди, бўжи келди»

деб бежиз айтмаган эди. Чингизхон босиб олган ерларни ўз ўғилларига бўлиб берар, халқни талар эди. Чингизхон Мовароуннахрни аввсиз курашлардан кейин эгаллаб олган эди. Жумладан, Еттисув ва Исфижоб ҳам мўғуллар кўли остига ўтди. Ривожланган ўлка хароб бўлди, ишлаб чиқариш кучларининг ўсишига тўсқинлик қилди. Талон-торож қилинган, жабр-зулм қўрилган халқ, ҳатто турли ўлкаларга тектираб кетди.

Шаҳарлардаги мадрасалар, маданий иншоотлар, қасрлар, работ қарвонсаройлар бузилган, ажойиб суғориш иншоотлари издан чиққан, деҳқончилик, чорвачилик хароб ҳолга келган эди.

Чингизхон вафоти (1227 йил)дан кейин унинг империяси тўрт мустақил улус (давлат)га бўлиниб кетди. Шулардан Чиғатой улусига Мовароуннахр, Еттисув воҳаси, Қошғар ва Хоразмнинг шарқий қисми қарарди. Чиғатой улуси тарихидаги Сайрамда (назаримизда Исфижоб XIII асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб Сайрам, Урунқент, деган номлар билан атала бошлаган) яна аввалгидек тиклаш ишлари бошланганди. Меҳнаткаш халқ бир кўлида ҳимоя қурולי, бир кўлида рўзгор асбоби билан куриш, қайта тиклаш, деҳқончиликни яхшилаш чораларини кўраётган эди.

1221 йил Сайрамда бўлган Хитой монахи Чан-Чун ўз кундалигида шундай ёзади: «Катта шаҳарнинг жанубий шарқида, тоғларида икки бошли илонлар бор. Бу илоннинг узунлиги 2 фут. Ерли халқ уни тез-тез кўриб туради». Санах бу ердаги халқ янги йил (Наврўз) байрамини тантанали нишонлаётганини ёзади. Сийёхнинг шериги Сайрамга келганда вафот этади ва уни шаҳарнинг жануби-шарқий қисмида и гепаликка (илонбузгонга) кўмиб, санахдан қайтаётганда бу шаҳарга кириб шеригининг суякларини олиб кетади.

Мўғул ҳокимлари Чиғатой ва Жўжи авлодлари ўртасида ер, мулк, амал, бойлик талашиб юз йилча давом этган уруш бу ердаги аҳоли тинчасини янада қуритган эди. Энг ачинарлиси Сайрам ва Тароз ўртасидаги Будухкент, Шароб, Тамтож, Абарож, Нувикат ва Бошқалар, Ясси атрофидаги Утзор, Саврон

ва бошқа шаҳар, қишлоқлар ер юзидан йўқолиб кетган эди. Илм, фан, маданият, адабиёт ривожига ҳам мўғуллар ҳужуми катта зиён етказди.

Сайрам олимларининг ажойиб китоблари ёқиб юборилган, олиму фузалолар ўлдирилган, қувилган, мақбара, мадрасалар бузилган эди, босқинчиларга нисбатан халқ нафрати ортиб бораётган эди. Начора, «космон йирик, ер қаттиқ эди». Бундай аҳвол бутун Урта Осиё шаҳар ва қишлоқларида ҳам ҳукм сурарди.

Мовароуннахр сиёсат майдонида XIV асрнинг 50 йиллари охирида Амир Темури пайдо бўлди. Чингизхон авлодининг сўнгги вакиллари амал талашиб аввсиз урушлар давом этарди. Амир Темури Мовароуннахрда мўғул хонлигига боғлиқ бўлмаган мустақил давлат тузишга киришади. Истеъдоди ва уddaбурунлиги туйфайли тез фурсатда у кўп шаҳарларни, мамлакатларни ўз давлати қарамоғига киритди.

1366 йилда Амир Темури Сайрамни ҳам босиб олади, ўзбекларидан биринчи буерга бошлиқ қилади. Тарихчи Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» деган китобида шу йилги воқеаларни шарҳлаб «Амир Темури ўз черикларини Чимкент деган аҳоли яшайдиган жойда учради, деб ёзади». Шу ерда Чимкент биринчи марта тилга олинади.

1405 йилда Амир Темури ўзи тирик кезида Сайрамни сеvimли набираси Улуғбек ихтиёридаги ерларга қўшиб қўяди. Шу йил ноябрь охирида Амир Темури 200000 лашкар билан Хитойга юриш бошлайди. Қишининг қаттиқ келиши сабабли юриш кўкламга қолдирилади. Лашкарларнинг бир қисми билан ўзи Утзор, Яссида, набираси Ҳалил Султон лашкарлари Тошкент ва Сайрамда қишлай бошлаган. Амир Темурининг вафоти туйфайли юриш қолдирилиб, лашкарлар Самарқандга қайтдилар.

Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи Саъддин ва мажмаи Баҳрайн» номли китобида шундай сўзлар бор. (XV аср бошларидаги воқеа ҳақида) «Мўғуллар амир Абдуллоҳнинг кишилари тасарруфида бўлган Сайрам қалъасини муҳосара қилиш билан машғул бўлиб турган вақтларида Амир Шох Маликнинг йўлга чиққанлигида хабар топдилар ва унга қарши юзландилар». (163 бет) Сўнгра шу китобда Самарқанддан йўлга чиққан элчилар 27 март 1419 йил Сайрамда бўлиб, 25 апрелда мўғул элига қаддам қўйганлигини ёзади.

Рўй-рост тан олиш керакки, Сайрам ва Самарқанд, Сайрам ва Темурийлар алоқаси масаласи ҳам муҳим тема. Уқоридга кузатганимиз Сарём подшоҳи Султон Мансур Хамир билан Исмоил Сомоний мулоқотлари, кейинги даврдаги Самарқанд ҳокимларининг бу элга бўлган муносабатлари жуда хилма-хилдир ҳамда пух-ўрганишни талаб этади. 1366 йилда Сайрамни Амир Темур эгаллаб олган бўлса, 1405 йилларда Сайрам машҳур астрономик олим Улуғбекка жаҳонгир бобоси томонидан инъом этилган. Сайрамда аҳоли тинч яшай бошлаган кунлар узоққа чўзилмади.

Амир Темур оламдан ўтгандан сўнг темурийлар ва амирлар ўртасида амал талашиб кураш қизиб кетди. Амир Темурнинг амирларидан Шайх Нуриддин Туркистон, Сайрам ва унинг атрофидаги ерларга таҳдид сола бошлаган эди. Шу пайтда Туркистон ва Сайрам ҳокими бўлиб турган Абдуҳолик Сабронда Шайх Нуриддин қўшинига қарши курашиб, ғолиб чиқади. Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, Абдуҳолик катта ўлжага эга бўлган, жумладан ўн минг отни қўлга киритган. Бу воқеа 1411 йил бўлган эди.

Кўп ўтмай катта куч тўплаган Шайх Нуриддин ва Шамъи Жаҳон қўшини Сайрамни қамал қилади, лашкарларининг бир қисми Утзор яқинидаги Қораосмон қишлоғига чача етиб борганди. Яна жанжал, урушлар, амал талашишлар...

Сайрам ва Янги шаҳарлар ҳокими бўлган Шайх Ҳасан (Шайх Нуриддин иниси) даврида ҳам жанжаллар тинмади. Шайх Нуриддин Сабронда қиличда чолиб ўлдирилгандан кейин эса Сайрамга янги подшо тайинлаш, яна амал учун кураш амирлар ўртасида кучайган эди.

XV аср ўрталарида савдо ва элчилик қарв оналари Урта Осиёдан Хитойга икки йил орқали боришарди. Биринчиси Тошкент, Сайрам, Еттисув ва Шарқий Туркистон (Хитой) шаҳарлари орқали, иккинчиси Улуғбекнинг Фарғонаводийси орқали — Хужанд, Қўқон, Марғилон, Аджион, Уш орқали Олой водийси бўйлаб борган ва шарқий Туркистоннинг Қошғар, Хўтон ва Еркент шаҳарлари орқали ўтган. (Б. Аҳмедов «Улуғбек» китобидан).

Сайрам ҳокими Амир Абдуҳолик 1411 йилда атрофдаги бошқа ҳоким ва амирлар билан биргаликда Самарқандга қарши юришда қатнашди. Бундай ички жанжаллар, Амир Темур вафотидан кейин тож-тахт талашишлар туфайли мамлакатда ҳокимият бўшашиб қолган эди.

Натижада мўғуллар ҳужум қилиб, Қошғарни Темурийлар тасарруфидан тортиб олдилар. Сай-

рам ҳокими Исабуғраҳон (1428-1462 й.) даврида мўғуллар Сайрамга ва Фарғонаҳамда Қондибодомга тез-тез ғужум қилиб, тинч аҳолини талон-тарож қилади, лекин Сайрамни босиб ололмади.

Бобурнинг «Бобурнома»да ёзишча (1493 и. воқеаси 33 бет) «Шайх Жамолни Абдуқуддус ўлтиргандан сўнг Тошкент ва Шохрухия ва Сайрамни (Ҳасан Яқуб) олиб эрди. Неча маҳал тасарруфиде эрди. Сўнгра Тошкент билан Сайрамни иниси Умаршайх Мирзога бериб эрди». Сайрам Бобур авлодлари тасарруфи пайтида бирозроқ тинчликда яшади, анча ўсиш бўлди.

Ҳам ҳоким, ҳам ёзувчи, ҳам олим Заҳириддин Бобур ҳам Сайрамда бўлган ва уни доимо ҳурмат билан тилга олганди. 25 йил кўришмаган амакиси билан учрашуви ҳақида ёзади: «Тошкандбила Сайрамнинг орасида Яго (Ягмон) деган кент ва бир неча кентгиналар бор. Кичик хон дадамнинг бу замон келурина суръат билан отланиб эрдим».

Бобур Андижон жангида пароль (яширин сўз) қилиб «Сайрам», «Тошкент» номини белгилашди. «Улуғбекнинг шаҳарлари бўлган унинг меҳри, ардоқлашди. «Улуғбекнинг шаҳарлари бўлган унинг меҳри, ардоқлашди». «Улуғбекнинг шаҳарлари бўлган унинг меҳри, ардоқлашди». «Улуғбекнинг шаҳарлари бўлган унинг меҳри, ардоқлашди». «Улуғбекнинг шаҳарлари бўлган унинг меҳри, ардоқлашди».

Олиму-фузалоларнинг Сайрамимизга бўлган бундай меҳр-муҳаббати аввалги асрларда бўлганидек, кейинги асрларда ҳам давом этган.

XV асрнинг охирида кўп сонли Темурий султонлари ўртасида Самарқанд тахтини эгаллаш учун шиддатли кураш борарди. Узоқ чўзилган уруш мамлакат аҳолига ёмон таъсир қилган эди. Бундай низолардан фойдаланган ўзбек хони Муҳаммад Шайбоний 1500 йилда мамлакат пойтахти Самарқандни босиб олди, Сайрам ҳам унинг тасарруфига ўтди. Сўнгра тож-тахт даво қилаётган Темурий султонларни қиличдан ўтказди.

Мирзо Бобур бир неча бор тахтни эгаллаш учун ҳаракат қилди, лекин мақсадига етолмай она элидан қувилган ҳолда Афғонистонга, сўнгра Ҳиндистонга ўтиб кетишга мажбур бўлди.

Тарихда ҳокимият учун, бойлик учун курашиб, ғолиб бўлиб, ўзи ҳам кейинча мағлуб бўлганлар кўп бўлиб учрайди. XV аср бошларида Темурийлар ҳокимлигини енган Шайбонийлардан Сайрамни қозоқ хони Бурундук хон 1503-йилда тортиб олади. Шайбоний хон бу обод, бой ўлкадан ажралиб қолмаслик учун лашкар юбориб жангу-жадаллар билан Сайрамни яна қўлга киритади.

Сайрам учун кураш давом этаберади. 1512 йил Сайрам ҳокими Каттабек (Бобурийлардан) шаҳарни қамал ҳолатда бўлганлиги учун Қосим хондан ёрдам сўраб муурожаат қилади.

Бухоро хони Абдуллахон (1553-1589 йиллар) Сайрамни қўлга киритиш учун катта куч билан келиб, шаҳарни эгаллайди. Шаҳар ҳокими бўлиб Барақхон сўнгра ўғли Бобохон ҳукм юритади. Шаҳарда деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожланиб боради. Тарихчиларнинг таъкидлашича Сайрам яна халқаро ва қушни шаҳарлар ўртасида савдо-сотиқда етакчилик қила бошлайди, ҳатто бу ерда «1000 йилчилик бозорлар бўларди». Шундан маълум бўладики, меҳнаткаш иҳалқ яна ўз шаҳрини тиклашга эришган эди.

Маҳмуд ибн Вали (XVI аср) ўзининг «Бахр ул-асрор» номилик тобида ўша даврнинг машҳур шаҳарлари Тошкент, Фарғона, Андижон, Бухоро, Урганчлар қаторида Сайрамга ҳам меҳр билан баҳо-тариф беради:

«Сайрам Туркистон шаҳарларидандир: бешинчи иқлимдан. Қадимдан ул жойни Исфижоб атаганлар... Сайрам ҳозир ҳам **обод ва ҳоким турадиган жойдир**. У вилоятда ғалла ва мева жуда кўп етиштирилади. Лекин (кўчманчиларнинг) у ердан тез-тез ўтиб туриши натижасида у бироз вайрон бўлган».

Сайрамга қўшин тортиб келган Қосимхон ҳам, Шайбониҳон ҳам, Ҳақназар ҳам, Таваккалхон ҳам, Бобурийлар ҳам — ҳаммаси тинч аҳолига кўп жабру-зулмлар етказарди, кўплаб қон тўкилар, вайрона бўларди. Маҳаллий хонларнинг ўзаро урушлари туфайли Сайрам ва унинг атрофидаги шаҳарларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳолати ноқорлашиб кетгани туфайли бу ерларга 20 йилгача эрон лашкарларининг ҳужуми тинмади.

Эрон ҳукмдори Нодиршоҳ Урта Осиёга ҳужум қилиб, кўп жойларни хонавайрон этганди. Сайрам ҳам бу юрушдан четда қолмаган эди. Ҳокимият учун, ўзгалар бой ерини босиб олиш учун давом этаётган курашлар гирдобиде халқ азоб чекар, кўп қийинчиликларга учрарди.

Ана шундай бир пайтда 1681 йил Сайрамга Жўнғорхонлиги — қолмоқлар жўнғул бошланди. «**Буюк фалокат йили**» деб аталадиган бу йиллар! Гуллаган шаҳарга Қўнтайжи Галдан бошчилигидаги қолмоқлар лашкари босиб келиб, узоқ муддат қамал қилиб турди.

Улар Сайрамга келгунча Еттисувнинг қатор шаҳарларини вайрон қилиб, ер юзидан супириб ташлаганди. Улар ўз йўлларида учраган боғ-роғ

ларни чигирткадай емириб нобуд қилар, ажойиб биноларни, меъмorchилик бидаларини ёқиб йўқотар, бойликларни талар, тинч аҳолини қиличдан ўтказар эди. Ваҳшийлик шу даражага бориб етдики, «бу ўлкада Жўнғорлар зулмидан озор топмаган бир қор га шаҳар қолмади». Буюк ипак йўлидаги оламга машҳур шаҳар, кишлокларда қон оқди, қолган одамларнинг анчаси тентираб кетди.

Сайрам бир неча ой қамалда турди, таслим бўлмади. Қўнтайжи Сайрамга келадиган ариқлардаги суварни бошқа томонларга буриб юборди. Шаҳар таслим бўлмади. Душман режаси пучга чиқди. Улар шаҳардаги юзлаб қудуқлар аҳолини сув билан таъминлай олишни ўйламаган эдилар. Сиртқи икки деворни бузиб ўтганда ҳам Сайрам қаршиликни сусайтирмади. Баланд девор, ҳандақлардагисувлар, мустаҳкам дарвозалар қолмоқларнинг ҳамма турдаги қуролларига бардош берди. Душман қалъага яқин лашиши билан девор тепасидан отилган тош, олов, ўқларга дош бермай орқага чекинарди.

Қаҳратон қиш қаҳрига чидай олмаган Қўнтайжи лашкарлари Сайрамдан чекиниб кетар, янаги йил кўклам-ёз ойларида яна катта куч, ваҳшиёна истак, ҳийла билан бостириб келардилар.

Чўчка йили бошланган қамал кунлари шаҳарга тез-тез ҳадақ, ёй ўқлари отилиб турар, ҳолдан тойган халқ кўпинча бунга эътибор бермасди. Ниҳоят ёз тунларининг бирида Қорамурт қопқа дарвозаси бир хон томонидан очилиб, Қалъага душман ёпирилиб киради ва ҳамма ёқни ёқиб, харобага айлантиради, бойликларини талайди, ажойиб қурлишларни бузиб ташлайди, қимматли китобларни ёндиради. (Дарвозани очиб берилиш воқеасини ривоятлардан бирида ўқийсиз).

Сайрамнинг ғарбий томонида ҳозирда «Қон жилға» номи ариқ бор. Бу иккинчи девор чеғарасида бўлиб, душман ҳужуми пайтида икки томондан улдирилган одам қони жилға бўлиб оққан деган ривоят бор.

Рус вақили (посол) И. Унковский шундай ёзади: «1681 йил — товуқ йилида Қўнтайжи Галдан лашкарлари билан Сайрамни қамал қилди. 1682 йил — ит йилида у Или дарёси бўйларига келиб қишлади. 1683 йил — чўчка йилида яна Сайрам ҳужум қилиб, шу йил ёзида уни эгаллади, вайрон қилди».

Душман ҳўржини тўлиб мақсадига етгандан кейин бошқа ўлкаларни, янги бойликларни кўмсаб, йўлга отланади. Босқинчининг мақсади ёвузлик, изи қон...

Орадан қирқ йил ўтди. Бир йигит умри. Тоғ-қирларга, гор-валаҳмларга беркинган бир қисм эл ёв оёғи узилиши билан она шаҳрига қайтиб вайроналарни тиклаш, деҳқончиликни йулга қўйишга киришганди. Атроф-теварақдан жабрланганлар келиб, Сайрам яна одамга тўла бошлади.

1723 йил Еттисувни ва ниҳоят Сайрамни иккинчи марта Жўнғория давлатидан Љобан Рабтан ўғли Шуно-Дод (Кўнтайжи) бошлаб келган қолмоқлар босиб олди. Мур-малахдай қолмоқлар атрофдаги шаҳар, қишлоқларни талашда давом этарди.

Кўнтайжининг буйруғи билан юзга яқин йигит, қизни асир қилиб Хитойга ҳайдаб кетилди.

Айрим касалванд, камбағал қалмоқлар Сайрамда қолдилар.

Асир қилиб олиб кетилаётганлар оқи-доди Сайрам ёниб, кўкка ўрлаган тутундан ҳам баланд эди. Асирларни қолмоқлар Хитой ерига олиб борганда ўз холига ташлаб кетадилар. Бу тасодиф, мўъжизага сабаб: биринчидан уша пайтда Жўнғор хонлиги инқирозга юз тутиб, Чин империясининг кучайиши бўлса, яна бир тахмин қолмоқ бошлиқлари бир-бирини улдириб, қолдан тойган чериклари ўз ҳолича кетиб қолганидадир. Сайрамликлар бир кўл бўчида ўрнашиб яшайдилар, у ерни обод қилиб, отчери она шаҳри номи билан Сайрам деб атаганлар.



Қози Байзовий мақбараси

Шу машъум воқеадан 117 ил кейин Хитонда турилган Мусо Сайрамин буюк олим булиб етишади ва ўзининг «Тарихи Эминия» китобида, ота-боболари Туркистон Сайрамидан 1723 ил ҳайдаб келинганлигини «улар... тоғ даҳно-сикенгров жойга утרוқлашиб қолганлар... Улар бу... ерни она юрти Сайрам номи билан атаганлар», деб ёзади.

Ҳозир Хитойда Сайрам райони, Сайрам кишлоғи, Бой Сайрам, Сайрам нур кули бор. У ерда онаюрти — Сайрамниунутмаганларбор. Яқин-яқинларгача шу ерга бориб қолганлар «Сайрамликман» деса «Ҳақоллаҳимма...» деб бошланувчи ашулани, Қози Байзовини гўрда қандай ётганини сураб, имтиҳон қилишар эканлар.. (Бу ҳақда сўнги ривоятларни ўқиб хабар топ-гайсизлар).

Тинимсиз ҳужум, авесиз урушлар, зулм, кулфатлар туфайли Сайрам-Исфижобдан бош олиб кетганлар ҳам бошқа жойларга бориб қолиб Сайрам номида макон бунед этганлар Жумладан: Наманганда Сайрам кишлоғи, Қорақоппоғистонда, Амудареда Сайрам-сув ата-малари Сайрам номи билан аталади. Булар уз она юртга булган меҳр муҳаббат эвзизадир.

Шу ҳурмат, шу муҳаббат Сайрамнинг улуғлиги туфайли, бу ерда етишиб чиққан аллома-фузалолар қадрияти ҳаққи купгина олимлар уз китобларида Сайрамни эъзолаб тилга олганларки, ушбу китобча саҳифаларида сиз бундан воқиф бўлдингиз.

Қўқон хонлиги (XVIII-XIX асрлар) феодал давлат бўлиб, 1721 йилдан уз атрофидаги бир қатор шаҳарларни босиб ола бошланди. 1758 илда Сайрам ҳам Қўқон хонига қарам бўлди. Норбутабой уғли Олимхон (1800-1809) ҳокимлик даврида ҳам куп жойлар босиб олинди. Унинг укаси Умархон (1809-1822 и.) даврида ҳам Қўқон хонлигига анча ерлар қушиб олинди. Тахт учун талаш қизиб борарди. Муҳаммад Алихон (1822-1842 и.)дан кейин тахтга ҳодирхон утирди.

Сайрам ва унинг атрофидаги шаҳар ва кишлоқлар аҳолиси урушлар, тахт талашлар, босқинчиликлар туфайли қийналган, уз мавқеини йиқотган эди. Деҳқончилик ҳам, ҳунармандчилик ҳам, савдо-сотиқ ҳам анча издан чиққан эди.

Қўқон хони, унинг мингбоши, муфти, понсодбек, ир беги, кози-калон юзбоши, элликбоши ва қишлоққош халқ пешонасини силади дедиманки... Хануз осмон олис, ер қаттиқ эди... шаҳарларга

1771-81 илларида Урта Жуз хони Аблайхон

Еттисув ва Сайрамга босиб кирди. Жамбул амтгандай «оч буридай хон Аблай» шаҳар ва кишлоқларни талади, халқ бошига куп қийинчиликлар егдирди.

XVIII асринг 80-илларида Тошкент ҳокимлиги учун давом этаяган кураш ниҳоятга етди. Шайхонговур даҳасининг ҳокими Юнусхужа кули баланд келиб, Тошкент ҳокими қилиб кўтарилди. Бу ягона сиёсий ҳокимият даврида шаҳар девори қайта тикланди, ҳамда шимоли-ғарб тарафдаги шаҳар ва кишлоқлар ва Катта жуз элатини буйсундиришга киришилди. Бир неча юришлардан кейин 1796 йилга келиб Сайрам, Чимкент, Қорамурт, Қорабулоқ, Манкент, Олтинтепа ва бошқа кишлоқ ва шаҳарлар ҳамда Катта Жуз уруғларидан Усун, Сара, Сергели ва бошқалар буйсундирилди.

Юнусхужа булар билан каноатланиб қолмади, турт йилдан кейин Катта Жуз устига юришлар қилиб мақсадига етди. Туркистон ва унинг атрофидан то Чу даресигача булган майдон Тошкент тасарруфига утди.

Бу жойларда Катта Жуз хочтик мансабини тугатиб, у ердагиларни идора қилишни қозоқ ийрик бойларига топширди. Шундан тадриж билан қозоқ бий ва боилари орасида узига ишончли қучлар яратиб олган эди. Шу туфайли улар Юнусхужага сиёсий қўллаб-қувватлардидилар.

Уша таитдаги ҳолат Тошкентнинг иқтисодий ва сиёсий даражасини янада мустаҳкамлаган эди. Бу билан у катта қарвон савдо йўлини ҳам эгаллаганлиги муҳимдир. Россия ва бошқа чет элларга чиқадиған катта иулни қулга киритиш учун Бухоро ва Қўқон хонликлари Тошкентга таҳдид солиб турарди. Катта савдо йўлини эгаллаш ва ташиқ савдони қулга киритиш учун 1799 илди Хонхужа бошчилигида Тошкентга қарши юриш бошланди. Қорасув бунидоги катта жанг, да Юнусхужа галабага элишди. Лекин 1809 илли Олимхон укаси Умархон бошчилигида катта қушин юбориб галаба қолди. Тошкент Қўқон хонлигига қушиб олинди. Натижада Тошкент тасарруфидоги ерлар ҳам Қўқон қарамоғига киритилди.

Олимхондан сўнг Қўқон хони булган Умархон даррида ҳам халқлар солиқ, турли туловлардин тинкаси куриған эди. Шунинг учун 1821 илди Авлиеота, Сайрам Туркистон Чимкент ва қушин халқлар Қўқон бекларининг қўлга қарши қузғолон қилди ва анча жоини эгалладилар. Лекин хон куп лашкарлар юбориб, яна бу ерларни ўзига буйсундирди.

Қўқон хонлигининг ҳукми 1864 ил 22 сен.

тябрда Русия аскарлари Чимкент, Сайрам, Қорабулоқ, Манкент ва атроф қишлоқларни босиб олгунча давом этди. Генерал Черняев бошчилигидаги рус аскарлари ҳам халқ бошига кўп кўлфатларни солди, кўпгина маданий бойликлар, обидаларни нобуд этди. Икки томонлама жабр-зулм тортаётган халқ аҳолиники ўз олдидангизга бир келтириб кўринг-а!

1876 йил февралда Чор ҳукумати Қўқон хонлигини бекор қилиб, унинг территориясини Туркистон генерал губернаторлигига қўшиб юборди.

Шубҳасиз бу ўлкага қизиқиб Россиядан келувчилар кўпайди. 1893-94 йилларда Сайрамда бўлган улкан олим В. В. Бартольд бу ерда 50 дан ортиқ масжид, 40 та эллиқбоши бўлганлигини таъкидлайди. Олим Сайрамнинг қадимийлиги ҳақида мақола ёзади.

1871-72 йилларда генерал К. П. Кауфман туздирган «Туркистон альбоми» да ўша йиллардаги Сайрам кўринишлари анчагина тасвирланган.

Шуни ҳам таъкидлаш кераки, Сайрам «Рисола»си мазмуни «Туркистон вилояти газетаси»нинг 1884 йилги 36-49 сонларида ҳам эълон қилинган. Совет даври олимларидан П. П. Иванов, М. Г. Массон, В. В. Бартольд, Б. Аҳмедов, Х. Ҳасанов, Б. Ғафуров, К. Байпақов, Л. Ерзакович, Г. Марғулон ва бошқалар Сайрам ҳақида қимматли фикрларини билдирганлар.

Аср ёшлик боболарнинг айтишларича ва эслашлари бўйича XIX аср охиридаги Сайрам — қиёфасини кўз олдидангизга келтириб кўрайлик. Ўз вазифаси ва аҳамиятини йўқотган тўрт дарвоза (яъни тўрт қопқа аталарди), нураб қолган деворлар, тўрт дарвоза ичида кичикроқ, сиртида биттадан катта ҳовузи, қишлоқ ичида жуда кўп масжидлар, мадрасалар, бозор ва расталар, турли устaxonалар, бир-бирига уланиб кетган томлар...

Бундан қирқ йил бурун Ҳайитмат эллиқбоши (раҳматлик ўша вақт 103 ёшда эдилар) сўхбатида куйидагини айтиб берганди: «Мен ўспирин пайтида қалъа дарвозасини бир қанотини Белиқопқа ҳовузи қаршисида кўрганман. Яхлит 4-3 қаричлик ёғочларни жуфтлаб, 3 қават белбоғ темирдуқ, қотирилган эди. Тўрт киши зўрга кўтаргудек. Дарвоза икки қанотли бўлиб ичкарига очиларкан. Кун ботиши билан дарвозабонлар дарвозани ёпиб, орқасига икки арава қора тошни тахлаб, тираб қўярканлар. Дарвоза тагида кеч қолганлар эмақлаб кириш учун тешик бўларкан».

Қалъа девори, ҳовузи, кудўқлари ҳақида ҳам кенжаларнинг айтганлари тарихий китобларда

ги маълумотларни тўлдирди. Девор икки-икки ярим метр баландликда, устидан арава юра оладиган эди. Ҳар бир бурчга ёвга қўқоридан отиш учун тошлар, полохмон ўқларини аравада ташиб тураркан. Шаҳарнинг турли томонларида тикланган қоровул тепалардан ёв ҳужуми ҳақида белги берилиши (Атрофлардаги Қаровултепада турган поспон ёв қораси кўриниши билан баландга тиклаган байроқни ерга ётқизиб хабар берган) билан тошотар йигитлар девор устидаги ўз ўринларини эгаллаб шай турганлар.

Чор ҳукумати ва маҳаллий бой феодаллар зулмидан қийналган халқ Октябрь инқилобини жуда катта умидлар билан кутиб олди. Дарҳақиқат, ишчиларга завод, фабрика, деҳқонларга ер берилди, тенг ҳуқуқлилик насиб этди, аммо кейинчалик Ленин йўлини, таълимотини суиистеъмом қилганлар, бурмалаганлар яна халқ бошига кўп мушқул оқибатлар ёғдирди.

Аввало жойлардаги билимли, ақлли кишилар бой, мулла деб кўвган қилинди. Бойликлар талон-тарож этилди. Бундай аҳвол колхоз тўзила бошлаган ўттизинчи йилларда, айниқса кучайиб кетди. Қатоғонлик деб аталадиган бу машум йиллар Сайрам учун ҳам қийинчиликлар келтирди. Бой-қулқонларни йўқотамиз деб, оқ-қорани танийдиганлар, деҳқончиликни-ҳунарни билладиганлар, элли бошқара оладиганлар қамалди-йўқотилди. Оқибатда, саводсиз гуруҳнинг қўлидан келадигани бош-бошқоқлик.

Лекин сайрамликлар меҳнатсеварлиги туфайли бу гал ҳам ҳамма қийинчиликларни мардона енгдилар. 1929-30 йилларда қишлоқда Ленин номи, «Зартош», «Кр: Октябрь», «Красная-Пресняя», «Пахта учун», кейинчалик Сталин, Кагонович номи колхозлар ташкил топди. Деҳқон қаддини тиклаш учун бир неча ўн йилликлар зарур бўлди.

30-йиллардаги очарчилик, 1941-45 йиллардаги Улуғ Ватан уруши машаққатлари орқада қолиб яхши кунларга етиб келинди. Деҳқонларнинг елкасига кун тегди. Бугунги кунда Сайрам жамоа хўжаликлари ва қишлоқнинг ўзи вилоят ва туманидаги энг обод, чиройли, баракалидир. Хўжалик йиллик даромади ўн беш миллиондан ошаяпти. Қишлоқ кўчалари асфальтланган, кўкаламзорлаштирилган, маҳаллалар обод, ҳамма ерда водопровод, электр, радио, табиий газ...

Қишлоқ аҳлининг мақсади улуг. Улар эртанги порлоқ келажига эришиш ниятида яна мардонавор меҳнат қилишяптилар. Бу соҳада қишлоқ зиёлилари, билимли устозлар, меҳнатсевар деҳқонлар камарбастадирлар.



Мирали бобо мақбараси

БИСМИЛЛАХИР РАҲМОНИР РАҲИМ

Рисола Сарем Мадинатал-Байзо, Исфижоб

Тарихда андоғ келубдирким, Бирқаан отлиқ бир шаҳар бор эрди. Ва тақи ул шаҳарнинг бир подшоҳи бор эрди. Анинг отини Тегинош Малик дер эдилар. Аммо ҳеч фарзанди йўқ эди. Диммо сидқ ва ихлос билан худон таолодан бир фарзанд тилар эди.

Баногоҳ кунлардан бир кун ҳазрат Идрис алайҳиссаломнинг гузарлари Бирқаан отлиқ шаҳарга түшиб эрди. Подшоҳ Тағинош Маликнинг уйига бир кеча меҳмон бўлиб қўидилар. Эrsa подшоҳ кўп иззатларкилба ва тақи меҳмондорликни бажо келтирдилар. Ва баъдаҳу бeфарзандликни арз қилди. Ҳазрат Идрис алайҳиссалом дуога машғул бўлдилар. Анда ҳазрат Тағинош Малик ҳазрат Идриснинг ҳақиқига дуо топсондилло қилдилар. Эrsa аллоҳтаоло ҳазрат Идриснинг дуопарини ижобот қилди. Собитил муддао шул кеча подшоҳ малика билан суҳбат қилдилар, эrsa ҳақсубҳана вагаолонинг қудрати билан маликнинг бўйида қомила бўлди. Вақти соати билан бир ўғил туғди. Подшоҳ ва жамики халқи ва табелари бисёр хушхол ва хурсанд бўлдилар. Хулосан калом 'ул ўғлонга от қўймоқни машварат қилиб, отини Ахнужмалик атадилар. Ибрии тили билан «Ахнуж» — «меҳмон» демақдир. Аммо Ахнужмалик 15 ёшга етди, эrsa отаси Тағинош олам фонидан рихлат қилди. Анинг ўрнига ўғли Ахнужмалик подшоҳ бўлди.

Кунлардан бир кун хотирга келиб андики, нима учун менинг отим Ахнуж, деди. Анинг сабабини вазирларидан сўраини, деб отасининг вазирларини чорлатиб олиб, воқеа Ахнуждемакни сўради. Эrsa вазирлар «подшоҳ Тағинош Маликнинг замонида бир азиз меҳмон бўлиб эрди. Улазининг қадамларининг шарафатидан меҳмон бўлган кечаси сизни худонга оло вужудга келтириб эрди. Шул сабадан Ахнужмалик от қўидилар», деди.

Эrsa Ахнужмалик ҳақиқат холни англаб андики, «эзики табаррук меҳмон экан, юшки биз ҳам ул меҳмонни кўрсан экан» деб орзу қилди. Ҳазрат Идрисни кўрмаликнинг иштиёқида ҳар тарафга киши юбориб, филхол топиб келтирди.

Ҳазратнинг иззатларини бажо келтириб хилъатлар кийдириб, меҳрибонликларини тўла қилдилар ва тақи андики, «энди сизни шул ердан уйлантирамлик», деди. Эrsa ҳазрат Идрис алайҳиссалом ҳам қабул қилди. Бадаҳу подшоҳ ўз теш-ақробасидан бир қизини Ҳазрат Идрис алайҳиссаломга никоҳ қилиб берди. Ва неча вақт Ахнужмалик билан Бирқаанда (Талас ёнида) истиқо, - мат қилдилар.

Баногоҳ кунлардан бир кун хотири муборақларига таманно қилиб ва бу шаҳарнинг улуг ва шобирлари билан машварат қилиб андиларки, «Ман ҳам бир шаҳри бино қилсам» деб, Шаҳарнинг улуглари билан маслаҳат қилдилар. Эrsa Талас шаҳарининг яқинида бино қилишини ихтиёр қилмаи келиб Юшукнинг ўринини хоҳладилар ва тақи хўп шаҳри азим бўлди.

Анда ҳазрат Идрис 27 йил ул элга амру маъруф қилдилар. Ва тақи ҳазрат муборақ хотирларига мўйиндан ҳам улугроқ ва хўброқ шаҳар бино қилсам деб, ва бир нечанд домо ва ҳукомаларини олиб, қайси бир ер шаҳарга муносиб деб, кўргузир эрдилар. Ва алаш ҳазол қиёс ҳамма ҳуқомолар, донолар ҳазрат Идрисга икки сувнинг ораси: Бодом суви ва тақи Оқсув ўртасини хушлаб, маъжул қилдилар. Ҳазрат шаҳарни анда бино қилдилар. Охираламр аввали ибтидон бозори тўрт юз [минг] уй бино қилдилар. Ва тақи анга тўрт дарвоза қўидилар. Ва ҳар қанси дарвозага олти работ қилдилар, учи шаҳарининг ичиди ва яна учи шаҳарининг ташқарисиди. Ва тақи ҳар юз уйга бир қудуқ қоздирдилар. Андин сўнгра ҳазрат Идрис Саремда ўттиз йил турдилар.

Масжиди жўйнобининг ўрни суьаларининг ўрни эрди. Шунда турар эдилар. Ва тақи Саремнинг атрофи ул вақтда чағгалистон эрди. Одамизод ташқари чиқиб юролмас эрди даррандаларнинг сабабидан. Кунлардан бир кун ҳамма халқ ҳазрат Идрис алайҳиссаломнинг олдларига келиб, арз қилдилар ва айдилар:

— Е панамбар, бу даррандалар бизларни юргани қўймас, Дуо қилинг зора бартараф бўлса, дедилар.

«Рисола»нинг арабча тексти эски ўзбек тилина муна-
си сифатида ўзгартирилган чоп этилмоқда.

Эрса анда ҳазрат Идрис ташқари чиқиб, ҳамма даррандаларга дуо қилиб ва тақиб жавоб бердилар ва айдиларки: «эй жонуворлар, бординлар ва тақиб ўзга тарафдан жой олинлар», дедилар. Эрса ҳамма даррандалар кўчиб, ул ердан ҳар тарафга бориб жой олдилар. Ҳама халқ даррандалардин халос бўлиб, ташқари чиқиб юрадиган бўлдилар.

Алалҳазалиқис Юшук шаҳри Сарёмдин йигирма етти йил бурун бино бўлган турур ва яна Сарёмнинг уч оти бор турур: бир оти Мадинатал-Байзо турур (Ибрый тилида «оқ шаҳар» демак) ва яна бир оти Исфижоб турур ва яна бир оти Сарём турур. Мадинатал Байзо демак Ибрый тил биле Урункеит демак бўлув.

Ҳар ерда икки сувнинг ораси қуруқ ва тошлоқ бўлса ани ибрый тил бирла Исфижоб дерлар. Ҳар ерда икки сувнинг орасида тошлоқ ер бўлса, ани турки тилда Сарём дерлар.

Вақтики ҳазрат Идрис алайҳиссалом Сарёмдан чиқиб кетмоқчи бўлдилар. Эрса Сарёмнинг улуг ва ақобирларини йигиб муборак кўҳна кўйлақларини чиқариб бердилар. Айдиларки, «Мобдо мендан сўнгра бале ва балиғи келса, албатта менинг ўшал кўҳна кўйлагимни пеш келтирсангизлар, иншоалла таоло сизларга ҳеч бале ва балиғи зарарет каза олмас», дебдурлар. Ва яна видолашиб кўчдилар. Андан кейин Сарём халқи ул муборак кўйлақни бир ғорда хўп тоза сақлаб юрүв эдилар. Охириләмр, бир неча йилдан кейин Сарём халқига кўп қаттиқ вабо бўлди. Одамларнинг тўрт ҳиссасидан бир ҳиссаси қолди. Сарём одамлари ул кўйлақни харчанд излаб топсмадилар.

Алалҳазалиқис то ҳазрат Нуҳ пайғамбарга навбат келиб, халқни имонга даъват қилдилар, Эрса бир нечанди муслмон бўлди ва бир нечалари имон келтирмадилар. Охириләмр ҳазрат Нуҳ дуо қилдилар, Худойитаоло пайғамбарнинг дуоларини жоб қилди. Ул қавм тўфон бирлан ҳалок бўлди. Андин кейин ҳазрат Нуҳ алайҳиссалом яна Сарёмни обод қилдилар ва бу Сарём эли ҳар йили бир бек қилиб, ани ҳам йили етказ ўлдирар эди. Бу тариқа бирлан бир неча йил ўтди.

Жамшид чиқиб жаҳонни тутди ва атропо оламга эркинлик берди. Ашкор Салор деган бир черикнинг бир беги бор эрди, они Туркистон вилоятига юборди. Ашкори Салор Шош (Тошхан) шаҳрига келиб тушди. Ул шаҳарнинг ичида бир тепа бор эрди. Сом ибни Нуҳ вақтида ҳам шул тепа бор эрди. Ул тепа йиқилди. Анинг ичидан қирқ хум чиқди. Қирқ хумнинг ичидан 200 мисқол олтин ҳам чиқди. Ашкори Салор ул олтинларнинг ҳаммасини олиб Сарёмга юбориб, хазинага солдирди.

Ул замонда Сарём даюз минг деҳқон бор эрди. Вақтики Ашкор Салор Сарёмга келмоқчи бўлди. Эрса Сарём ақобирлари анинг олдига пешвоз чиқдилар. Ашкор Салорнинг учюз минг чериги бор эрди. Сарёмга келиб ўшал черик бирлан тўрт ой турди. Тўрт ойгача аларга Сарём халқи озук бериб турдилар. Черик кетгандан кейин Сарём халқига солиқ қилдилар. Эрса ҳар деҳқонга 10 ботмон ғалла тушди. Алҳосил Сарёмнинг ул вақтда улканлигининг ниҳояти йўқ эрди.

Андан сўнгра Искандар Зулқарнайн жаҳонни тутди. Самарқанд шаҳрини бино қилди. Машриқ тарафига юриш қилди. Ногоҳ Сарём шаҳрига гузарлари тушди. Эрса Сарём Хўжалардан бир ҳокими тилади. Хўжалар ҳаммаси иттифоқ қилиб ҳазрат Хизрни муносиб кўрдилар. Ҳазрат Искандар ҳам шод бўлиб, бисёр навозиш қилди. Ва тақиб ҳазрат Хизр алайҳиссаломга ҳамма черикни топширди. Ва нечанд замон шул тариқада ўтди. Андан кейин Намруд алайҳиллаъна келиб жаҳонни тутди. Ҳазрат Иброҳим халиллулоҳга душман бўлиб, уни ўтга ташламоқ бўлди. Сарём халқига 40 минг харвар ўтин солди. Уй бошидан бир боғдан ўтин йигиб берди. Ут қўйди, ҳазрат Иброҳимга зарар қилмади. Ҳазратни худой-таоло ўз паноҳида асради, саломат қолдилар ва бу Сарёмда 12 йил турдилар.

Ҳазрат Иброҳимнинг сумбалари Полас масжидининг ўрни эрди.

Андан кейин Нуҳ ибн Басра алайҳиллаъна оламини тутди. Барча вилоятга эрклик бўлди. Сарём шаҳрини олурман деб келиб қамадилар, асло ололмади. Охири черик бирлан қалъани буза бошлади. Эрса шаҳар халқи йигилиб истаб ҳазрат Идрис алайҳиссаломнинг муборак эски кўйлақларини топиб олиб шафъе келтирдилар. Эрса қалъанинг устидан бир кесак тушиб Нуҳ ибн Басранинг отига теғди. Ва ул кофир отидан йиқилди ва тақиб оёғи узангида қолди. То анинг отини тутғунча ҳалок бўлди. Ва анинг жасадини Ҳозигирд тоғига (Қозигурт) кўмди. Валлоху олам биссаваб.

Аммо бу шаҳарнинг ҳақида ҳазрат Идрис алайҳиссалом дуо қилиб, ҳаммиша ободлигини худодан тилар эрдилар. Пайғамбарнинг дуоси ижобатдур, иншоаллоҳ.

Андан сўнгра Фирави алайҳиллаъна жаҳонни тутди. Бу шаҳарни оларман деб тараддуд қилди. Аммо ололмади. Ҳазрат Исо алайҳиссалом ҳам бу шаҳарда тўрт йил турди. Аввал кўп шаҳарнинг халқи муғ ва тарсо эрди. Баъзилари имонга келди ва баъзилари имонга келмади. Имон келтирмаган халқга ҳақотлик пайдо бўлди. Худойтаоло Сарёмни ўз паноҳида сақлади. Жумлаи халойиқ бу шаҳардин озук олиб, ҳар тарафга борур эрдилар.

Андин кейин Нўширавони Одил (Эрондан сосоний) . 226-651) жаҳонни тутди. Нўширавони Одилнинг икки ўғли бор эрди. Бирининг оти Язда Журмалик эрди ва бирининг оти ва Шаҳриёр эрди. Язда Журмаликка Туркистони ва Сарёмни берди. Язда Журмалик келиб Сарёмга тушди ва тарсоларни қувлади.

Бу шаҳарда Язда Журмалик ўн уч йил турди. Маҳортепа (Мартепа) анинг ўрдасининг ўрни эрди. Ва тақи қалъа қилдириб эрди. Ва ул қалъанинг тўрт ҳади бор эрди. Аввали ҳад Шаркентда, иккинчи ҳад Чўмушлогида, учинчи ҳад Чимкентда, тўртинчи ҳад Маҳортепада эрди. Ва ул қалъани Язда Журмалик бино қилган вақтида бисёр ободонлик эрди.

Ҳазрат ривоят қилибдирларким, пайғамбар алайҳиссалом (Мухаммад пайғамбар) вақтларида кофирлар кўп эрди. Пайғамбар алайҳиссалом саҳобаларни жам қилиб Сарёмга зиёрат учун юборди. Улар келиб бир йил турдилар, эрса кофирларнинг барчаси қочиб қалъага кирдилар. Қиш бўлди. Сувлар муз тутиб эрди. Холид ибн Волид ва тақи неча саҳобалар муз тўнғони ки кургани йўқ эрди ва тақи музни кўриб таажжуб қилдилар ва билмадилар.

Пайғамбар алайҳиссаломасҳоблардан сўрадилар. Айдилар: — «Эронлар, нимаажойиб кўрдингизлар», деди. Эрса Холид ибн Волид айтиди: — «Е расулаллоҳ, бизнинг қиличимизнинг кўрқинчидан Сарёмнинг сувлари парча-парча (муз) бўлибдир». Анда ҳазрат айдилар: — «Э, Холид Ажам ерлари кўп совуқ бўлур. Сувлари парча-парча муз тўнғар, сизлар ани билмайсизлар», дедилар. Ва баъзи ривоятда айтурким, Ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом ул Кечаким ҳазрат мерожга ошдилар. Тамом оламга назар қилдилар. Эрса кўрдиким, Аршдан бир жойга чунон нур томиш бериб турибдир.

Пайғамбар алайҳиссалом Жаброилдан сўрадилар: — «Е Жаброил, бу нур илоҳи қайда борур», дедилар. Эрса Жаброил айдилар: — «Бу нур Мадинатал Байзогаёғиб турар», дедилар. Анда пайғамбар алайҳиссалом орзу қилдилар. «Е Жаброил Зихи табаррук шаҳар экан, Киши они зиёрат қилса», дедилар.

Шул замон Жаброилга фармон бўлдиким, «Мадинатал байзонни осмонга элтгил, мани ҳабибим томоша қилсин», деди. Ул вақтда Жаброил алайҳиссалом Байзо шаҳрини Аршга кўтариб чиқардилар. Эрса пайғамбар алайҳиссалом Масжиджўйнинг ўрнида 2 ракат номоз ўқидилар. Ва баъд аз номоз бул дуони ўқидилар: Э бор худое хайри барокот бер, иззати даража бер ва яна омон сақла бу шаҳарни».

Ом тақи Жаброил алайҳиссалом «Омин» дедилар. Ва тақи бадаз Сарёмни боғўрнига қўйдилар. Эрса ўзга шаҳарлардан қирқ қари, балки андин ҳам баландроқ кўринди. Валлоху олам бисавоб.

Андан кейин Сарёмга Суюк Тегинбош подшо бўлди. Анинг вақтида андоқ ободлиғ бўлди. Ҳеч кимнинг ҳадди йўқ эдиким, бировнинг бир пуллик нимарсасига зарар еткурса. Ва шул равишда Суюк Тегинбош етмиш йил подшо бўлди. То етмиш йилгача бир одамнинг бир игнаси йўқолмади, ва ҳам тўрт юз масжид бино қилди. Подшоҳ Тегинбош ўлди, эрса унинг ўрнига бўлган Қорабўғраҳон ҳам доимо одил ва бечорапарварлик қилур эдилар. Ул кишининг ўзлари Толос шаҳрида турдилар. Ва тақи Чағиртегинни Сарёмга подшо қилдилар. Чағиртегин бисёр золим таъб эрди. Аммо толиби илмларни хўб дўст тутар эрди.

Анинг золим демокининг ваҳжи бу турурким, бир ёғочерга бир кент қилди, ул кентга Қутлуғкент от қўйди. Ул кентга лой вағишти Сарём халқига ташиттирди. Сарём халқи йиғилиб, маслаҳат қилиб, Толос шаҳрига Қорабўғраҳонга ариза юбордилар Чағиртегиннинг зулмидан. Анда Қорабўғраҳон азл (ўрнидан олиш) қилмоқчи бўлдилар. Эрса Чағиртегин ани тингламади. Баъд бир тадбир қилиб овоз қилдиким, ман Каъбанинг сафарин қилурман, деб ва бир неча вазиранинг олиб сафар қилмоқчи бўлиб, Сарёмдан зиёрат қилиб ўтиб Ғозигирт (Қози урт) тоғининг яқинига чодир тикди. Андин кейин иниси Чағиртегинга киши юборди.

Ва айдиким: «Чағиртегин иним келсин. Мен қибла сафарин қилдим. Ва тақи мулкимга ани вали қилайин ва лекин ёт киши эга бўлмасин», деди. Эрса Чағиртегин бул сўзга гўл бўлиб мулк тамъида бориб кўриниш берди. Қорабўғраҳон жаллодга буюрдиким: «Э золим, худодан кўрқ-

маган, мусулмонларга мундоқ зулм ва жафо кўргузиб, Шаддодек даъво худолик қилурми-сан», деб жаллодга буюрди. Жаллод олиб келиб Бодом сувининг ёқасида ўлдирди. Жасадини Қорамуртнинг йўлида, ўз рабобининг ёнига қўйдирди.

Чағиртегин олимларни дўст тутар эрди. Ва яна олимларга муруватни кўп қилиб эрди. Шул вақтда Сарёмда 444 муфти бор эрди. Хар қайси муфтига 100 ботмон бугдой, минг олтин берур эрди. Ва хар ердаги қўхна рабобларни ва Сарёмда Жу масжидни ва Полос масжидни отаси Алаштегин бино қилган эрди. Хар вақфи ҳалигача бордур, Чағиртегиннинг қилган вақфи ту- рур. **Қутлугдан то Келасгача эллик мадрасанинг вақфи турур.**

Қорабугъраҳон, Алихон, Хусанхон, Чағиртегинхон ҳаммаси оға-ини эдилар. Бир қиз қарин- дошлари бор эрди. Анинг отини Туркон дер эрди. Узи бағоят соҳибжамол эрди. Ва лекин под- шоҳларга муносиб эрди. Ани Қашғар хонларига бериб узатди. Эrsa андан Арслонхон ва Абду- ҳолиқхон туғилди. Ва тақи Арслонхон Сарёмга подшоҳ қилинди. Ва анинг замонларида ҳам Сарёмда 300 (минг) маъмур саройи, 400 (минг) тегирмон ва яна қальанинг ичинда 50 мад- раса бор эрди. Хар қайси мадрасага 1000 олтин, 100 қуидан вазифа берилур эрди.

Арслонхон Бодом сувидан бир ариқ қаздирмоқчи бўлди. Хар қайси касабачи навбат бирла қа- рор қилди. Навбат бошбоқчи (арқончи) касабачи етди. Эrsa Арслонхон кунин одамни-ясову- лини бошбоқчилар уриб ўлдирдилар. Ул воқеани Арслонхон эшитиб, бошбоқчиларга хун баҳо солди. Эrsa ул жамоага хар кишига даҳним (ун ярим) солиқ тушди. Ул вақтда Сарёмда 10 минг темирчи, 10 минг ўтинчи, 10 минг собунчи бор эрди. Ва яна Арслонхоннинг замонида ҳеч омон- лик (солиқ) йўқ эрди. Хар йили Арслонхонга халқ бир дават берур эрди. Бир даватига 20 минг кўй берур эрди. Узга асбодим бўлак.

Алқисса Арслонхон ҳам ўз замонида қалъа олдирур бўлди. Эrsa устадин 1000 уста тайин қил- дилар. Ва яна қальанинг баландлигини ва тагини ҳам тайин қилди. Баландлиги 19 қори, эни 17 қори бўлди. Ва тақи бу қальани 12 минг киши 10 йил ишлади. Хар қайси одамга қалъа тамом бўлгонидин сўнг 100 ботмон ғалла, 100 (минг) олтиндин берди, ҳақиға.

Алаҳазалиқис Арслонхон Абдуҳолиқхон иккиси мулкни бўлиб олмоқчи бўлди. Нима учунки, Абдуҳолиқхон Утрор хон эрди. Анда қисмат ўлдилар. Эrsa Арслонхонга Сарём теги. Ва яна Абдуҳолиқхонга Утрор билан Қорасомон теги ва неча йил подшоҳлик қилдилар. Охирилам Арслонхон вабода ўлди. Андан кейин Сарёмга Султон Мансур Хамир вали (1X-X аср) бўлдилар. Ул кишининг замонларида ҳазрат шайхул ислом Имом Раисиддинни ҳаётлик вақти эрди. Ва тақи қози Абдураҳмон ҳам бор эрдилар.

Минораи Одина масжидини (Хизир масжид) Султон Хамир Абдураҳмон қозининг вақтида бино қилдилар. 30 йилда базуржам бўлди. Ва тақи бу масжиднинг ўрни Иброҳим деганнинг кўчи Ойша хотинидан баҳозор (минг) миннатдорлик бирла сотиб олиниб вақф қилиб эрдилар. Хар одина кун ботмон ун, 20 қўй сўйилиб ош берур эрдилар, алқисса бу тартиб бирла 30 йилча.

Нақлдурки Султон Мансурдин, бир кун айтди: «Ман умрим ичинда учишни қилибдурман ва лекин ҳе одам ул ишни қилгон эмас», деди. Еронлар сўрадилар, «Ул уч иш нима турур», деди- лар. Эrsa Султон айдик: «Бир кун боғ ичра ухлаб ётиб эрдим, бир илон яримдан оғзимга ки- рибдир. Чўчиб уйғониб ҳарчанд тортдим, асло чиқара олмадим. Алқисса тишим бирла кесиб, яр- мини олиб ташладим. Ва тақи ярми ичимда қолди.

Ва яна бири буким, етти йил кўтир бўлдим, тирноқни асло анга теғурмадим ва кишига ҳам айтмадим. Ва бири буким, бир кечачиқиб сонсиз черик билан урушдим, ҳечкимдан ёри тилама- дим. Магар тангридан ёри тиладим», дедилар.

Нақл қилдиларки, «Бир неча воқеада кўрдим Ҳазрат пайғамбар алайҳиссалом менга хабар бердиларки, «Ё Султони Мансур, туринг ўрнингиздан! Сарёмни черик келиб қамаб қолди. Чиқиб аларни қувлаб, иторинг» дедилар. Эrsa ҳамона ўрнимдан туриб, таҳорат тўза қилиб, икки ракат номоз ўқидим. Баъд тун ярмида қўлимга аслаҳа олиб, том бошигачиқиб кўрдимки, ҳазрати шай- хулислом Имом Раисиддин ҳам том бошида турурлар. Ман айдим, «ё имом, тун ичинда том бо- шинда нима қилиб турибсиз?» Эrsa ул киши айдилар, «Сизни ким қартирган бўлсалар, мени ҳам ўшай киши чакирдилар», деди. Аммо пайғамбар алайҳиссалом айтиб эрдилар, «ё имом аламбардор бўлинг, Султон сипаҳсолор бўлсинлар», деб эрдилар. Ҳама кўрган воқеаларни бир-бир баён қилдилар.

Эrsa дарҳол имомнинг оёқларига йиқилдилар. Шайхулислом айдилар, «Ё Мансур Хамир, Сизодил устинда бўлдингиз, бу макомни топдингиз. Ва мен илмининг шарафатидин бу макомни

топдим, дебиқовлониғлашиб, худога мутаважжих бўлиб, душмангарубарубулиб курдиларки, черининг бир учи Чўмушлоғида яна бир учи Чимкентдадир.

Султон Мансур худога таваккал қилиб, қиличини қўлига олиб орага кирдилар. Аммо душманлар уйқуда эрди. Аммуғдор кирдиларки, ўлуқлар пушта-пушта бўлди. Охири хабардор бўлиб туриб, кўппор лашқари ўз-ўзларини инчунон қириштилар, асло ниҳояси бўлмади. Охираламр кофирлар ўз-ўзидан қоча бошладилар. Алардан бир одамини тутиб олиб сўрадилар: «Э кофирлар, нега қочдинглар». Ул кофир айди: «Бир жамоа бизнинг халқни қира бошлади. Аларнинг буйлари 40 газ ва тақи найзалари 60 газ. Шу жамоанинг зарбига бизлар тоғат қилолмай қочдик», дедилар.

Султон Ҳамир мавлоно қошига келдилар ва иккилари номоз ўқиб эрдилар. Номоздан кейин халққа муқади (эълон) қилдилар: «Ҳар кимга ғанимат (улжа) керак бўлса чиқиб олсинлар!» деди. Анда Сарём халқи чиқиб мол бениҳоят олдилар ва фақирлар ғани бўлди.

Андан сўнг султонни ғаммозлар чақим билан Самарқанд подшоҳи Исмоил Сомонийга айтди. Эrsa Султонни тутиб олиб бориб зиндонга солди. Эрон кофирлари андин хабардор эрди, Сарёмни қамодилар. Рустойилар ҳаммаси қалъа ичига кирдилар ва 7 йил қамал тортидилар. Ва лекин нарҳ бир баҳодан ошмади. Ахири ололмади ва қайтди.

Мақлдурки Султон Мансурнинг қариндошлари жамъ бўлиб, Самарқандга ҳол сўрагани ва лекин дилар ва тақи Исмоил Сомонийга кўриниш бердилар. Баъда Султонни кўрмоққа жавоб тиларди. Эrsa подшоҳ Исмоил жавоб берди. Андин кейин бир одамга тайин қилди: Буларга зиндоннинг эшигини очиб, Султон Мансур Ҳамирни кўрсатинг» деди.

Андан кейин икки вазирини чорлатиб, айтдики, «Сизлар бориб зиндоннинг эшигини тинглаб турингларки, улар нима дейдурлар», деди. Эrsa икки вазир бориб, зиндонга қулоқ солиб тинглаб турдилар, Султон Ҳамир нима дер экан деб. Анда Мансур Ҳамир айтдики, — «Э, ёронлар етти йил бўлубдики, ман зиндонда ётибман, вилоятнинг ҳолини ман билмайман, начукдур. Тоғларда қор кўпми? Биёбонларда чега-неъмат унумдорми? Уғлонлар мактабда ўқийдирми? Мўминлар чўх-чўхми, ёки яган-яганми», дедилар.

Қариндошлари батамом саволмазмунидажавоб бердилар. Вазирлар бориб батамом улэшитганларини бир-бир баён бирла подшоҳга тақриз қилдилар. Аммо Исмоил Сомоний айтди, тахсин қолди. «Бу саволжавобнинг маъносини ўзидан сурайман. Бориб Султон Ҳамирни олиб келинглар», деди. Эrsa дарҳол зиндондан чиқариб олиб келдилар.

Подшоҳ айди: «Эй Мансур Ҳамир, сани подшоҳлигинг оламга машҳур эрди. Зиндонда кўп етқандан ақли-хушинг бартараф бўлибдир. Қорнинг нима даҳли бор? Мактаб баччанинг нима даҳли бор? Чеганинг нима даҳли бор? Мўминларнинг нима даҳли бор? Яган-яганми, чўх-чўхми дерсиз? Ва шул мазкур бўлган саволларнинг жавобини берсангиз», деди.

Эrsa Султон Ҳамир подшоҳнинг ҳақиқага дуо қилиб жавобига машғул бўлди. Ва айдиким: «Эй подшоҳ олам, ул ишким менга вожиб эрди, мен уни сўрарман», деди.

Подшоҳ айди: «Сенга вожиб иш қайси эзур», деди. Эrsa Султон Мансур Ҳамир айди: «Ул вилоятнинг ман подшоҳи турурман. Менга райият ҳолини сўрамоқ вожиб турур. Тоғларда қор кўп бўлса, зироатга (жинга) сув кўп бўлур, биёбонда чега-неъмат кўп бўлса, қуш-қурт тўқ бўлур, зироатга зарар еткэзмас. Баччалар мактабда бўлса, кўп халойиқ орасида номозгузорлик ва худопарастлик кўп бўлғай. Мўминлар чўх-чўх бўлса, вилоятни вайроналикка далолат қилур ва агар яган-яган бўлса ободонликта далолат қилур», деб жавоб батамом берди.

Эrsa анда подшоҳ бу жавобга тахсин ва офарин қилди. Ва айдиким, «Баракалла асли подшоҳ Мансур Ҳамир тарзида бўлса, нима учуқким Мансур Ҳамир жонуворларнинг аҳволидан ҳам хабардор экан. Энди хат озоди битинглар», деди. Эrsa Султон Мансурга хат озоди битиб, тўрт юз қўш ва тўрт юз уйлик қул ва тақи неча нимарсаларни инъом қилиб, Сарём ва Туркистон вилоятига узотиб ҳайрибодлашиб йўлга равона қилди. Аммо Сарёмга неча манзил-мароҳил тои қилиб ақин келганларида Сарём халқи ва хўжа, мулло ва ҳамма улўғ ва кичиклар пешвоз олдиларига чиқиб, Мансур Ҳамирни кўриб ҳолпарастлик қилдилар.

Ва тақи Султон ҳам халқнинг аҳволини сўраб, андин кейин шаҳарга равона бўлдилар.

Баъда Сарём халқи бирвоқеан арзи-ароис бўлса Султоннинг олдида бордилар. Султон уларнинг арзини сўрамади ва деди: «Эй Сарём халқи, манинг гуноҳим нима эрдик, сизлар учунетти йилгача зиндонда ҳибсда бўлдим. Эндиги умримни бечоралик билан утқарайин, деб шарт қи-

либман. Ва боз подшоҳлик қилиб зиндонга гирифтор булайинму ва лекин мен ўзимни азл қилдим» деб жавоб берди.

Андин кейин 400 қуш юритиб ҳар йилда мискин ва етимларга ботмонғалла ва тақиюз қуй берур эрдилар. Ҳар Одина кунни 20 ботмон уннинг нонини вазифа берур эрдилар (тарқатар эрди), асвобдан бўла.

Ва тақиўзлари мудом тоатга машғул эрдилар. Яна Сарёмнинг турт тарафига ошхона солиб эрди. Ҳар тарафдан келганларга ош-об бермак учун ва тақи анча ҳодимлар тайин қилиб қўйиб эрди. Ҳар ошхонасига йигирма уйликдан одам қўйиб эди. Ва тақи Сарём ичига сув киргизмоқ учун неча одамни сувга мутасадди қилиб эрдилар. Нима учунким неча бева ва бекасларнинг боғига сув етқариб, сугориб эрдилар.

Охириламр дунёи фойидан дорил бақога риҳлат қилиб, раҳмат илоҳинг а гарқ бўлдилар. Баъдазон Саирам шаҳри то 40 йилгача подшоҳсиз қолди. Ва бу хабарни Эрон кофирлари эшитиб келдилар. Шаҳри Сарёмни олмоқ умидида келиб қамал қилдилар. Аммо ҳануз ҳазрат шайхулислом имом Раисиддин бор эдилар. Ваногоҳ Сарём халқи ҳамаси жамъи бўлиб имомнинг олдларига келдилар. Ва айдиларки, «Ё бузруквор, шаҳарни кофирлар келиб қамаб олди. Энди начук илож қилурсиз», дедилар. Эрсаанда Шайхулислом айдилар: «Эй мусулмонлар, қўрқманглар, нима учунким Ҳазрати Хизр алайҳиссаломнинг ота-оналари шу ердадур, ҳеч душман зарар етқиролмайду», деб халққа тасалли бериб ўлтириб эрдилар. Яна бир тоифа халқ келиб қамар бердиларки: «Ё бузруквор, кучаларга душман тулиб қолди», деб вабоз меҳрибонлик қилиб айдилар: «Э мусулмонлар, қўрқмангизлар, бу шаҳарнинг ҳаққиға неча пайғамбарлар дуо қилибдурлар, ҳеч душман зарар етқаролмасиншоолтоало» дедилар. Имом Раисиддин ўшал пайғамбарларнинг ва неча асиларнинг руҳларига мутаважжих бўлиб, душманнинг дафи учун дуо қилдилар. Эрса ҳамона халқ имомнинг олдларидан чиқиб кўрарларки, кофирлар ҳар тарафга қочиб борурлар. Анда мавлонога хабар бердиларки: «ё бузруквор, кофирлар қочиб борур», дедилар. Эрса мавлоно айдиларки: «Бирор кофирни тутиб олиб келинглар, воқеани англайлик», дедилар. Эрса филхол муминлар чиқиб, бир кофирни тутиб олиб келдилар. Ва ул кофирдан ҳазрати мавлоно сўрадиларки: «эи кофир нима учун қочдинг?», дедилар.

Эрса ул кофир жавоб бердиким: «Ё имом, бизлар эллик минг киши бу шаҳарни олмоқни қасдида келиб эрдик. Қачонким шаҳарнинг кўчасига кириб олурмиз, деган вақтда узун бўйлик кишининг орқасидан ниҳоят сифар одам ғавримакр бизнинг халққа андоғ найза ҳавола қилдиким, аларнинг наизасининг зарбига тоғ ҳам бўлса тоқат қилолмас ва тақи бизлар алардан қочдик», деди.

Имом айдилар: «Ул узун бўйлик киши ҳазрати Хизр турурлар ва яна орқаларидаги фаришта гирдобн турурлар. Ва яна мавлоно айдилар: «Эй Сарём халқи ғофил булмангларки, ҳазрат Хизр алайҳиссаломдин, нима учунким ҳар душанба кечаси ва жума кечаси Ҳазрат Хизр ота-оналарининг қабр муборакларига зиёратга келурлар. Ва ҳазрат пайғамбар ҳам неча юз йил бурун бу шаҳарга дуо қилиб эрдилар. Ва ҳазрат Иброҳим пайғамбар ҳам ўн икки йил турдилар. Ва бу шаҳарнинг ҳаққиға дуо қилиб эрдилар. Неча пайғамбарлар ва неча валийлар бу шаҳарнинг ободлигин ҳамиса дуо қилдилар», деб халққа баён-аён қилдилар. Ва тақи айдиларки: «Агар кимарса бу шаҳарнинг бир дарвозасидан кириб яна бир дарвозасидан чиқса, оташи дўзонни ул бандага ҳаром қилур, дебдурлар.

Нақлдурким Қоратегин ота ироқлик эдилар ва ул кишининг Афлах исмлики бир қули бор эрди ва тақи соҳиби хот эрди.

Ва ул Қоратегин ота мудом «Товрот» ўқир эрди. Бир кунни эшитдиким, Туркистон тарафига бир шаҳар бор эмиш. Анинг отини Мадинатал Байзо дер эрмиш. Ҳар кимарса ўшал шаҳарда иморат қилмоқнинг ниятида ерига бирорта ғишт билан лои қўйса, ул банда ҳаргиз том уг ўтини кўрмайга деб машҳур эрди. Анда Қоратегин ота мундоғ васиятларни эшитиб ғойибона ихлос қилиб, ўшал Афлах қулига бир неча мол дунё берди. Ва айдиким: «Э Афлах Сарёмга бор ва тақи хўжа-ақобирлари бирла маслаҳат қилиб, масжид ва работга муносиб жой сотиб олиб, работ ва масжид бичо қилғил. Ва тақи бузилғон вақиф жойлар бўлса ани обод қилғил», деб руҳсат берди. Эрса Афлах фотиҳа олиб чиқиб, неча манзил-мароҳил тай қилиб Сарёмга дохил бўлди. Аммо неча кунларким паст-баландини англаб ва хўжа, ақобирларга ўзини танитиб, маслаҳат сўраб

уларнинг иттифоқи билан муносиб ерларни сотиб олиб обод қилди. Ва тақи тамом пулини худо йўлига сарф қилди. Андин кейин Афлах султон Қоратегинга нома билан ўз ҳолини арз қилиб ва бул қилгон ишларини бир-бир баен қилиб киши юборди.

Ва айдиким: «Сиз ҳар хизматики, бизга айтиб эрдингиз ва фармон қилиб эрдингиз, биз ул хизматларни баҳадрхол бажо келтирдик.

Эндиги маслаҳат хоҳишлари нима бўлса соҳиби ихтиёр ўзлари билурлар», деб таклиф қилди.

Қосид (хабарчи) номани олиб бориб султон Қоратегинга берди. Султон хатни кўриб ва воқеага Афлах қилиб эрди, бисёр шодмон бўлиб ва Йроқ одамлари бирла видолашиб қариндош-уруғи ва ўз табаалари билан Сарём шаҳрига эзми сафар қилдилар. Ва неча манзил-мароҳил тай қилиб Сарёмга доҳил бўлиб, Қозғурт тоғининг даманасига чодир тикди. Андан Сарём хўжалари бирла Афлах эшитиб пешвоз чиқдилар. Афлах Қоратегин отани кўрган он отидан ўзини ташлаб Қоратегин отанинги узангиларини буса қилди. Ва хўжаларга Қоратегин ота кўп меҳрибонлик билан аҳволпарастлик қилдилар. Ва тақи Афлахдан сўрадиларки: — «Э Афлах Сарёмни сен нечук кўрдинг?» — дедилар. Эrsa Афлах жавоб бердики: «Мен Сарёмни ҳама шаҳардан хўброқ ва беҳроқ кўрдим», деб сифатини алоҳида қилди.

Қоратегин отанинги муҳаббатларини боз зиёдроқ қилди. Эrsa анда Қоратегин отанинги иштиёқи зиёда бўлиб, аввал зиёрат андан кейин тамом иморат Афлах кўрмоқ ва зиёрат бузруклар учун отланур ҳолда Худойтаборакватаоло ҳазрат Азроил алайҳиссаломни юборди. Эrsa то отлангунча қўймай қабзи руҳ қилдилар. (Колу иннолоҳу ва инно илайҳи рожиун) ва тақи жасадларини шаҳарнинг ичига киргизиб қўйдилар. Валлоху аълам биссаваб.

.....

**Тўрт дарвоза қурилган,
Сон ўйлик САРЕМ бўлган,
Қўнгожи вайрон қилган,
Шаҳри САРЕМ эмасму!**

**Зулм айласа ҳар золим,
Ушбу САРЕМ элига
Иншоолло етолмас.
Қайтиб яна элига,
Синаб кўргил бу сўзни,
Ишонмасанг тилига
Неча ман-ман деганлар
Ботди ҳасрат кўлига
Уша айтган шаҳримиз —
Шаҳри САРЕМ эмасму!**





Хизр масжиди минораси

САЙРАМДА БОР СОНСИЗ БОБ...

Азиз дуслар, биродарлар! Шу сўзларни диққат билан ўқиб чиқсангиз, деб илтимос қиламан. Азиз боболаримизни, жаҳонга куз-куз қилгудек ҳаюрт алломаларимизни унутга бошлаганимизда, минг иллаб эъзозланган қабрларини қаровсиз ҳолда қодирмаганимизда, наинки ҳурматлаш, балки уларни емонлаб, юзларига кул, мағзава тўкмаганимизда каминан ушбу китобчани ёзмаган бўлардим.

Айтсанг тилинг, айтмасанг дилинг куяркан. Бундан бир йил муқаддам, қишлоқ кўчаларида шундай мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлдик.

Бир қиз (исми шарифи маълум) ҳовлисидан чиқиб, бир тоғора кул-кукунни йўл четидаги ганчлаб-суваб қўйилган қабр ёнига тукиб, уйига кира бошлаганда, тухтатдик. Қимлигини суриштирдик, студент экан. Сўзамол.

— Ахлатни шу машҳур одамнинг қабри устига тўккани уялмадингми?

— Бу одам эмас, — деб қиз безрайди ва билимдонлик қилиб қўшиб кўйди. — Буни азизлар, дейишади...

Урасанми, сукасанми?! Хуноб бўлдик, «қозирнинг узидаяқ атрофини тозалоб кўй», деб ачиққаниб кетиб қолдик. Ҳануз шу воқеа мени қийнади. 15 йил совет мактабларида ўқиган, отаси — ўқитувчи, у ҳам шунча йил ўқиган. Уз оstonаси, ҳовлиси, кучаси олдидаги қабрлар нега кутарилиб, белгилаб, ҳатто ганч билан суваб қўйилган? Бу ким? Нега билмай қўйдик? Нега уларни танимаймиз? Бундан бефарқ, бефаҳмлигимизга сабаб нима? Ойлами, мактабми, жамиятми? Ким айбдор?

Қатоғон деб зикр этилаётган бир асрга яқин давр ичиде, исломга қарши, арабчани билганга қарши аёвсиз кураш олиб борилди. Тарихимиз, қадриятимиз оёқ ости қилинди. Ажойиб тарихий ёдгорликлар бузиб-бланланди, аждодларимизнинг араб имлосида ёзилган 1300 иллик билим хазинаси хазинабонлари билан бирга деярли йўқ қилиб юборилди.

Айрим бефаҳмлар яқинларгача Сайрам диний марказ, улўғ диндорлар ўтган жой, деб емон куз билан қараб, тухтаёт гошлари отиб келди. Улар уйламайдиларки, унталаб, ўттизталаб китоб етган, одамларга илм берган, уларнинг кўзини очган, мадрасаларда мударрислик қилган, бепул табиблиқ қилган олим-фузалолар уз даврининг фидоилари бўлиб, халқ эъзозини, ҳурматини қозонганлар, яъни азиз бўлганлар. Биз кўр-қуронауларга қарши «атеистик» ҳужум қилдик, маърифат, маданиятимиз илдизига болга урдик, натижада мана тубан оқибатларга, залолатга гирифтор бўлиб ўтирибмиз.

Ёр юзи олимлари — араб, византиялик, хитой, рус, эрон ва бошқа юртларнинг олим-фузалоларини минг йиллардан бери қизиқтириб келган Сайрамни яхши танимаганлик — бу гумроҳликдир! Жаҳон маданияти, адабиёти хазинасини боинтишга ҳисса қушган олимларимиз, шоирларимиз — Хужа Аҳмад Яссавий Қози Баизовий, Лутфулла Сарёмий, Камолиддин Вали Исфижобий, Мавлоно Тождидин, Абул Ҳасан Исфижобий ва бошқа унлаб алломалар фахримиздир.

Сайрам атрофида унлаб шаҳарлар булган. Шунинг учун олимлари фақат Сайрамни тилга олганлар, ҳар соҳада машҳурлигини таъкидлаганлар. Сайрамнинг макбуни «болта кесолмас» сабаби ҳам бор, албатта!

Бас шундай экан, қомусий билим соҳиблари — шундай яқин алломаларни халқ олим дейдимми, азиз дейдимми, авлиё дейдимми, бари бир, уларнинг ҳар бири улкан қобилият эгаси, муъжизакор кишилар бўлишган, маданиятимиз, туркий халқларимизнинг қадриятидир.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, X-XII асрларда Сайрамдаги мадрасаларнинг қучидан олим поғонасигача илм даргоҳлари бўлган. Атроф шаҳарлардан, бошқа мамлакатлардан ўқишга келиб, ҳаётини Сайрам билан боғлаб қолганларнинг кўпчилиги тарихдан маълум.

Қадимда боболаримизнинг яхши одатлари булганлигини айтидилар, яъни шу қабрлар енидан от-уловдан тушиб, яёв ўтганлар, алломалар ҳақига дуо ўқиганлар, уларга бир дақиқа дил розларини айтганлар, қабрларини тартибли, тоза сақлаганлар

Дили пок, ақли расолар ҳозирда ҳам қабристонлар, маъмур алломаю-вали қабри енидан ўтаётганларида мулоимлашиб, дил хасталик билан уларнинг руҳларини эслайдилар.

Айримлар, алҳазар, алҳазар! Мутлақо одабийлигини унутиб, қабристонларни тепкилаб, бузиб, уз томорқасига қўшиб олаётганлар, азизлар қабри олдида, уларни ёд этиш ўрнига, кулишиб, ножўя қилиқлар қиладиганлар, шу атрофни ифлослайдиганлар учраётгани дилни оғритади, кишини ўйлантиради.

Муҳтарам ўртоқ! Шу саҳифани яна бир марта назардан ўтказинг, каминанинг фикрига қўшилмасизми, йўқми — ихтиёрингиз! Омонлик булсини, келинг сиз билан бирга азизлар қабрларини бир зиёрат қилиб чиқайлик.

~ ~

Сайрамдаги машҳур кишилар қабр ва мақбараларининг жойданишини зринмай куриб чиқамиз. Бу гал биз қишлоқ маркази чоррақасидамиз. Ҳозирги автостанция ўрнида Идрис гаиғамбар масжиди бўлган. Бу қадимий масжиди жоме ўз тарихида бир неча марта қайта тикланган. Энг сўнгги марта 1914 йил тикланган бинонинг биз ҳозир гувоҳимиз. Масжид довлисида тўрт юз ёшли чинор, катта ҳовуз, унинг ёнида нақшинкор ёзувли тош тоғора буларди. Масжиднинг устунлари ҳам бу ернинг жуда кўҳналигини далилларди.

Ривоятларда айтилишича, осмондан тушган тош, Одам ато набираси йўнган устун ҳозир Туркистон шаҳри масжиди довлисида ётибди, иккинчи, икки ярим метрлик тош устун Ленинград Эрмитажида. Биринчи устундаги нақш ва ёзувлар исломгача бўлган, ҳали ҳеч ким уқин олмаган. Олимлар шундай ёзувни Қоҳирада курганлигини ёзадилар. Боболарнинг айтишларича бирор талаби бўлганлар шу кўҳна устунни кузига суртганлар. Шу масжид ёнида ер ости чиллаҳонаси бўлиб, Хизр масжиди ёнигача борган.

Идрис масжиди дарвозаси ёнида шу ерда куп иллар мударрислик ва имоматлик қилган ҳазрат Имом Али Ҳанафийнинг қабрибулардифутун вилоятга илм-маърифат тарқатган бу устознинг қабри автостанция қўрилиши сабабли Қорасоч она қабристонига кучирилган.

Худди шунингдек, шу масжидда суфилик қилган шайх Навруз қабри эса ҳозирги қишлоқ Советининг шимол томонида буларди. Ёрнинг қўрилиши билан, қабр бузиб юборилган.

Идрис масжидининг шарқий томонида икки қабри алломанинг қабрлари бор, (ҳозирги «Лаъзур» устaxonаси биноси орқасида). Бирлари Хўжа Абдусамад қабри бўлиб, лақабларини Кук тўнлик ота дейдилар. У уз даврининг етук ҳақими бўлиб, болалар нутал қасалининг даволувчиси эди. Ҳануз айримлар ундан истиноат тилаб, тулроғини ялаб, зиёрат қиладилар.

Шунга яқин ердаги иккинчи қабр Мавлоно Имодиндин Исфижобийникидир. (X-XI асрда яшаган булса керак). Бу аллома Ҳиротдакуп иллар таълим олиб келган, вилоятда шаиҳ, машҳур олим бўлган. Нақл қилишарди, Мавлоно билан бирга уқинган етти киши Сайрамга гузёрлари тушади. Лекин улар Имодиндиннинг етук олим ва машҳур шаиҳлигига гумон қиладилар, нолойиқроқ сузлар айтадилар. Мавлоно тангрига муножаат қилиб, илм қаромати билан еттовини ҳам турли атрофта тентиратиб юборадилар. Олимнинг китоблари, кейинги фаолияти бизга ҳозирча номаълум.

Сайрам марказидаги чорраҳадан қарб томонга юз метр ҳамаси юрилганда машҳур туркий шоир, суфийлик таълимотининг улуғ намояндаси Хўжа Аҳмаднинг онаси Қорасоч она (XI аср) қабри бор. Унга ўрнатилган мақбара XI асрнинг урталарида қайта тикланган, Боқийя қабристонига тўрт ёзининг қабрлари бордир. Исми шарифлари — Хўжа Иброҳим, Хўжа Сулаймон, Хўжа Салим ва Хўжа Довудлар бўлиб, ҳаммаси уз даврининг машҳур кишилари бўлганлар.

Биби қабристонига Хўжа Аҳмаднинг ака-укалари, уз замонининг таниқли кишилари Латиф ота, Мустафоқули ота қабрлари ҳам бор дейдилар.

Қорасоч она мақбарасининг жануб томонида Нуриддин отанин қабрлари буларди. Лақаблари Бобон Тоғай эрди. Иул кенгайтирилганда отанин қабри Биби мақбараси ёнига олинган.

Ҳазрати Мавлоно Раисиддиннинг қабрлари ҳам шу атрофда бўлиб, Қалинин номли мактабнинг эски биноси қурилаётганда бузилган. Ислom динининг етук алломаси Шайхул Ислom Раисиддин ҳақида «Рисола»да анчагина маълумотлар берилди. Бу олии динии лавозим

унга бекорга берилмаган. Шайхул Ислом қабрининг қибла тарафида Хўжа Насриддин валининг қабри бўлиб, у стадион қурилиши чоғида бузиб юборилган. Ул киши қабрининг шимол тарафида Хўжа Носир Фарсонинг қабрлари, мавлоно Раисиддин қабрининг жанубида эса шоҳ Абдулбоқининг қабрлари бўлиб, улар ҳам бузилиб кетган. Булардан жануброқда, қалъа четида Ҳазрати Иброҳимнинг қабрлари бўлган.

Сайрамда тўрт нафар машҳур Иброҳим оталар бўлган, шундан иккови — қалъа ичидаги-ларини атаб ўтдик.

Биз юқориди исми-шарифларини тилга олган зотлар ўз даврининг машҳур кишилари, аллома, валиларидир. Ана шунинг учун минг йиллар давомида уларнинг номи халқ дили-дан учмаяпти. Энг ачинарлики шундаки, урушлар, қатогонлик йилларда уларнинг фаолияти, китоблари йўқотилган эди.

Қишлоқнинг ҳозирги универмаги қурилаётган пайтда ҳазрати Мир Ажамнинг (XV аср) қабри бузиб юборилган эди. Унинг шарқида, яъни йўлнинг иккинчи томонида Ҳазрати Хўжа Бурхониддин валининг қабрлари бор. Эшон Урта Осиелик йирик шайх, нақшбандийлик тариқати раҳнамоси Хўжа Аҳрор (1404-1490)га ҳамаср эдилар ва Хўжа Низомиддин Хомуш Ташкандийга мурид эдилар.

Эшон қабрининг шарқий тарафида Шамсиддин Узгандийнинг шогирдларидан Хўжа Имомл Пўстиндўзининг қабрлари бордир (ҳозирги ресторанининг шарқий томонида).

Сайрам қалъасининг четида (ресторан шарқида) Ҳазрати шайх Камолиддин Байзовийнинг қабрлари бор. Айтишларича элга бирор офат ё шикаст келгудек бўлса, боласини йўқлаган тевадек бўзлагани учун «Бўзлоқота» деб атайдилар. Камолиддин вали IX-X асрларда яшаган, шу ўлкада билимининг турли соҳалари бўйича етук олимлардан бири бўлган.

«Бўзлоқ ота»нинг шимол томонида Ҳожи Назирнинг, ундан кейин Ҳазрати Султон Мансур Ҳамирининг қабрлари буларди. Бу азияларнинг қабрлари ҳам мактаб қурилишидан олдин бузилган. Сайрамнинг машҳур подшоши Мансур Ҳамир ота ҳақида анчагина гаплар айтилиб ўтилди.

Шу атрофдан сал шимолроқда Ҳофизиддин Бахрез ва Ҳазрати Шайх Аттот валининг қабрлари ҳам бузиб ташланган. Бу азиялар XIV асрда яшаган, деган тахминлар бор. Шайх Аттот вали эса ҳазрат Нақшбандийга (1318-1380) мурид бўлган.

Қишлоқнинг муҳтарам кишилари билан бирга, биз, бу юқориди исми-шарифлари зикр этилган тўрт алломанинг қабрлари «Бўзлоқ ота» билан Ҳизр масжиди оралигида бўлган, деб белгиладик, (ҳозирги мактаб стадиони).

Ҳизр масжидининг минора-мезанаси олисдан кўзга ташланади. Илгари бу масжид «Масжиди қазо» номи билан ҳам аталган. Унинг ёнида кўп ривоятларга молик-ерости лаҳми бор. Айтишларича, бу ердан Туркистонга борадиган ер ости йўли бўлган. Аниқроғи, шу ердан Идрис масжидигача ер ости йўли чиллаҳона бўлган. Шунингдек, бир гуруҳ олимлар билан бу ер Сузук отагача боришни аниқладик. Минг афсуски, саводсиз раҳбарлар шу ерларни текислатиб, полиз эккизиб, ер ости йўли айрим қисмининг бузилишига сабаб бўлган. Қишлоқ жамоаси шу ер ости йўлининг 50 метрини тиклашдек эзгу ният билдирган.

Ҳизр масжиди минорасининг шимолида Ҳазрати Саид Бадриддин отанинг қабрлари бордир. Ул зот мавлоно Жомийга ҳамаср эрди.

бу қабрнинг шарқий тарафларида мавлоно Насриддин Байзовийнинг қабрлари бор. Ундан шимолроқда Фавсил Гиёс Ҳазрат ва Хўжа Ҳасан Байзовийнинг, бундан яна шарқ томонида Хўжа Ҳаким Ахчалиқнинг (Балхнинг Аҳча шаҳридан), шимол тарафида эса, Ҳазрати Мустафоқули Хўжанинг қабрлари турибди. Бу азиялар Сайрамда етишиб чиққан валий, олим-фузалолар бўлиб, халқ ўртасида маърифат уруғини сочганлар, диёнатпарвар бўлганлар.

Бу улғ зотлар қабрининг шимол томонида, қалъа тегидан баандак масофада «Ҳожиял ҳарамин ва имом-ал каъбатайн, Имомил авом ва Маржиил Ҳаввоз уламои Тожиддин»нинг қабрлари бордир. Бу Эшон Сарёманинг кулли муфтилари устози эрди. «Рисола»даги бу таъриф Ҳазрати Тожиддиннинг қанчалар машҳур алломалигидан дарак бераёпти.

Шу қабрнинг ғарб томонида Султон Шайх валининг (лақаблари Қабз ота) қабрлари турибди. «Кимарса Қабз (дард)ли бўлса ул кишининг руҳларига мутаважжих бўлиб, истиоят тиласа, Тангри ул дарддан халос қилғай» деб таърифланади «Рисола»да.

Эшон қабрининг ғарби-жануб тарафида оғанини Хўжа Абдураҳмон вали ва Хўжа Абдура-

ҳим вали (кун чиқиш томонидагиси) қабрлари бор. Улар шу яқиндаги Полос масжиди посбони (Фарроши) эдилар.

Бу ердан шимолроқда Белиқоққа дарвозаси ёнида Ҳазрати Шайх Исҳоқ валининг қабрлари бўлган. Баъзилари Шайх Сарём дарвозабони бўлган, дейдилар.

Шу ерда «Мардонул Ғайб» масжиди бўлиб, бир тўп одамлар оқшомдан то субҳгача шу ерда жам бўлиб, маслаҳатлар қилишар эди, дейилади. Шу масжиднинг 3 метрли тошдан йўниланган, арабча ҳарфлар ўйиб ёзилган устунини яқинда Қорайўл участкасида иккига бўлиниб, ғарибона ётган ҳолда топдик. (Ҳозир музейга келтирилди. Устан ёзувларини ўқиб, сизга маълум қиламиз, деган ниятдамиз).

Шу масжиднинг ғарб томонидан бироз масофада шайх Исҳоқнинг фарзанди Насриддин Бароқнинг қабрлари бўлган. Бу алломанинг қошлари жуда ўсик бўлгани учун «бароқ» деган лақаб берилган.

Бу ва бошқа алломалар исми-шарифларининг тарихда сақланиб келаётганига сабаб, уларнинг ўз замонаси ва халқига қилган ҳалол хизмати, яхшилиги, билими туфайлидир. Улар ғаройиб шахслар бўлиб, авлодлар қалбида асрлар оша эъзоз топиб келаяптилар. Энг ачинарлиси шуки, улар ҳақида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Ушбу сатрларга кўзи тушган дўстларимиз тарихимизнинг шу кендик саҳифасини тўлдиришга улуш қўшади, деган ниятдамиз.

Қальанинг ташқарисидаги бузургларнинг айримлари «Рисола»да айтиб ўтилган. Лекин яшаган вақтлари берилмаган. Абдулазизбоб-Балогардон бобо тўғрисида шундай ёзади: «Эшони афзал ва ақдам ва акмал жамики бузрукларики Сарёмда бордир алардан муқаддамдур ва тақи табинлардиндурлар. Аламбардор Исҳоқ бобо эрдилар. Шунинг учун Тошкентда эшонни Аламбардор бобо дерлар. Нақл қилибдурларки эшоннинг марқадрлари мақоли ижобот дуодир. Ҳар вақтни вилояти Сарёмга андак офат етса мардумлар жам бўлиб, бирнеча садақа қилиб, қабрларига дуо қилиб, руҳи шарифларига мутаважжих бўлса иншооло таоло ул бало даф бўлур.

Умид шулким минбаъд ҳар ким истиноат тиласа ноумид ёнмагай... Эшон кофирлар билан ғазот қилганда даражаи шаҳодат топиб эрдилар». Айрим манбаларда ёзишларича Абдулазизбобни кофирлар «терборон қилиб, 73 жойидан ўқ тегиб шаҳид бўлган».

Балогардон бобо қабрининг жануб тарафида Саидхўжагон отанинг қабрлари бор. Уни Авлиёота фарзанди дейдилар. Амир Темур ва ундан кейин Амир Наврўз Бароқхонлар кичикроқ мақбара турғизиб эрдилар.

Эшон қабрининг машриқ тарафида, кўча юзида Ҳазрати Исмоил отанинг қабрлари бор. Бу зот Дарвеш отанинг фарзандлари. Ҳазрат суҳбат қилиб, зикр қилганларида оғизларидан тутун чиқарди, дейдилар. Бу қабрнинг жануброғида Бегчи отанинг ўғиллари — Ҳожи (Ҳолид) Хўжанинг марқадрлари бор. Яна бироз жанубга юрилса, қабристон бурчида шайх Шаҳобиддин Исфижобийнинг қабрига кўзингиз тушади. Бу зот (лақаби Оқоғабобо) машҳур туркий шоир Хўжа Аҳмад Яссавийнинг устозларидан бўлган. Уз даврининг етук алломаси — мударрис Шаҳобиддин Исфижобий ётган ердан жануброқда сезимли шогирди Хўжа Аҳмадга Арслонбоб томондан пайғамбарнинг тўхфаси хурмон муборак тақдим этилган Хонкўприк бор. Хонкўприк ҳақида ҳам анчагина нақллар, ривоятлар борки, буни келгусида ҳикоя қилармиз.

Абдулазизбоб қабрининг ғарб томонида Хўжа Иброҳим Наматпўшнинг қабри жойлашган. Унинг шимоли-шарқида шайх Ғарибшонинг қабри бор. Эшон қабрининг шимол томонида оламулулум, вали Хўжа Ҳасан Байзовийнинг қабрлари турибди. Бу алломалар ўз даврининг буюк кишилари бўлганлиги, маърифат чашмасини кенг жорий этганлиги учун ҳам халқ дили тўридан жой олганлар.

Хўжа Иброҳим Наматпўш қабрининг ғарб тарафида Ҳазрати шоҳ Ғозиён, яъни Шоҳқаландарнинг қабрлари бордир. Ул зот Исмоил Бухорийга (810-870) шогирд-мурид эрдилар.

«Эшоннинг зикр қалблари жори бўлган эди. Тилида, дилида доимо Оллоҳ ёди эди», дейдилар.

Шоҳ Ғозийён... Ғозийён деган шаҳар қадимда Турбат яқинида бўлган. Сайрам тарихида бу шаҳар кўп тилга олинишининг сабабини олимлар аниқлаб берсалар керак.

• Яна бир ривоятда ҳам олим, ҳам подшоҳ Шоҳ Қаландар ёвгарчиликда босқинчилар билан-мардонавор урушган, «қон жилға» бўлиб оққан деган сўзлар бор.

«Рисола»да ёзадилар: «Эшоннинг оёқ тарафларида ҳазрати мавлоно Лутфулло Сарёмийнинг қабрлари бор. Хола мардуми Сарём лақабларини Машварат (шухратли) бобо дейдилар. У ҳазрат Қози Байзовийга шогирд эрдилар. 37 китоб тасниф қилиб эрдилар. 19 йил Сарём вилоятига аълом-домла бўлганлар». Биз бу алломанинг ётган жойларини ҳозирги Киров кўчасида деб белгиладик. Яна ачинарлиси шундаки, олим бобомиз китобларидан ҳануз бирортасини кўрмадик. Балки, қатоғон илларида йўқолиб кетдимикан? Биз кези келганда ўқувчиларга мурожаат этамиз, шу китобларни учратганлар бўлса, бизга маълум қилсалар.

Эшон қабрининг қибла тарафида Хожии Абдулло Сарёмийнинг қабрлари жойлашган. «Эшон шаиҳ Сайфиддин Хоразмийга мурид эрдилар. 52 мартаба Каъбаттуллони ҳаж ва зиярат Мадинаи Мунаввара қилиб эрдилар. Шу сабабдан лақабларини мардумлар Елаган ҳожидер эрдилар. Марқадлари зоҳирдир».

Айрим санқалларда хабар берилишича Елаган ҳожии Сайрамнинг подшоҳи Малик бобо замонида яшаган ва подшоҳликдаги олимларни бошқарган. Илмпарвар ва олим Малик бобо бирор кун Елаган ҳожини кўрмай қолса, ҳатто хат ёзишиб хабар оларкан. Подшоҳлик вилоят олимларини йиғиб, илмий-мунозара ўтказганда Абдулло Сарёмийга тенг келадиганлар бўлмас экан.

Шу аллома қабридан жануб томонда Искандар бобо қабри бўлиб, Ленин номли мактаб курилишида у бошқа ерга кучирилган. Искандар бобо қабридан шарқ томонда, айрим фарсаҳ ерда, анҳор лабида Ҳазрати Санжар Султоннинг қабри бор. У Лойхўр ота лақаби билан машҳур. Айтишларича Санжарга хабар етади: «Хўжа Аҳмадга пайғамбар тўҳфаси хурмо Хонкўприкнинг гарбини қисмида берилганда оғзидан кўпиклар сачраган. Олимподшоҳ шу заҳоти ихлос билан аниқланган жойга келади. Кўпиклар қувраб кетган. Ариқда кулмак ва лой қолган. Султон бармоғи билан лойни табаррук деб ея бошлайди. Буни кўриб турган одамлар «Лой еган подшо, кейинроқ Лойхўр ота» деб атаб кетган.

Эшоннинг бош тарафида модари Ҳазрат Хизр алаҳиссалом ётибдилар. Унинг исми шарифлари Биби Ғиёсдир. Хола марқадлари зоҳирдир».

Эшон қабрининг шарқ тарафида Ҳазрати подшоҳ Малик бобонинг қабрлари бор. Юсуф Ҳамдонинга ҳамаср эди. Унинг жануб тарафида Малик бобо фарзанди Саид Саодат Миралибобонинг мақбаралари савлат тўкиб турибди. Мирали бобо бу вилоятга биринчи келиб, билим ва қилич билан ислом динини тарқатганлардан, дейишади. Бобонинг икки ўғли — Хўжа Насрулло Парсо ва Хўжа Насрулло Мажидиддин — ота мақбараси ёнида ётибдилар. Мирали бобо мақбарасининг жануб томонида (катта йўлнинг иккинчи томонида бўлса керак) Хўжа Қудратулло валининг, унинг шарқида Шоҳ Жамолиддиннинг (эски катта ҳовуз атрофида) қабри бўлган, жануброқда — масжиди Кунфаякун — яъни Исо пайғамбар масжиди бўлган. Шу масжид жанубида эса ҳазрат Мир Баҳоудин Яқпонинг қабри мунаввари бор. Унинг бир оёғи ланг бўлган, дейдилар.

Бу алломаларнинг ётган ерлари ҳозирги Ленин участкасининг қалъага яқин қисмида. «Рисола»да шу мавзедаги ғойиб ота, Гуллик ота, шоҳлар ўрдаси «Улуғ тепа» ва бошқалар кўрсатилмаган.

Бу азишлар — ҳаммалари уз даврининг илмда, амалда машҳури давронлари эдилар. Афсуслар бўлсинки, улар ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ҳали учрати олмадик. Имомим комилки, Сайрам алломалари ҳаёти, фаолияти ҳақидаги маълумотни тўлдиришга жамоатчилик ёрдам беражак.

Ҳозирги ремзаводо яқинидаги баландликда Ҳазрати шоҳ Камол Жумардиннинг қабрлари бор. Бу зотнинг кимлигини исми-шарифлари кўрсатиб турибди. Сайрамда бундай мард, билимда ҳам етакчи одил шоҳлар анчагина бўлган. Халқ уларни бежиз эъзозламайди.

Шоҳ Камол қабрининг шимол томонида (бозор четида) уломаи замон «Қуръон»ни тафсир қилган Қози Баизовининг қабри ва мақбараси бор. Исми-шарифлари Эшон Хўжа (X-XI)

Эрондан келиб, Сайрамда муқим бўлиб қолган бу аллома кўп олимларга устозлик қилган, анча вақт вилоят Қозиси-ҳуқуқшуноси бўлган.

Чет элда саяҳатда бўлганлар баъзи мамлакатларда «Сайрамлик бўлсанг, Қози Байзовини қандай ҳолатда кўмилган?» деб сўрашарди, дейдилар. (Айтишларича, Байзовийнинг васитига мувофиқ оёғини қиблага қилиб кўмганлар).

Бу мақбаранинг шимолроғида шоҳ Ғарибиддиннинг, унинг шарқида қалъа тагида мавлоно Ҳаким Исфажийнинг, яна шарқроқда Хўжа Ислоҳ (яъни Хўжа Ҳаким ўғли)нинг қабрлари бор (кейинги икки қабр вилоят сил касалхонаси йўлида).

Шу йўлда «Марқади мунаввар ва турбати муаттар уломои замон Қутбиддин Исфажий бордир»: Иул четида, белгилаб қўйилган. Алломанинг қомусий илм эгаси булганлиги ҳақида ривоят қилинади.

Сайрамдан Қорамуртга борадиган йўл буйида Биби Марям қабристони бор. Баъзилар уни Исо пайғамбарнинг оналари дейдилар. Аслида Биби Марям бинти (қизи) Хожидин Ҳаммаддир. XIX асрда чор ҳукумати тиклаган ушбу мақбара тез орада бузилиб кетган.

Шу қабристоннинг шарқий тарафида Утлуг Юнус отанинг қабри турибди. Юнус ота Сайрамнинг билимдон подшолиридан булган. Нақл қилишларича, подшоҳга «Алломаи даврон Лутфулла уламоликни тарқ қилибди», деган хабар етади. Подшоҳ машҳур алломанинг бу қарори сабабини билиш учун чақиради, Лутфулла Саремий бормайди. Бунда бир сир борлигини билган подшоҳ олимниқига амирлари билан ўзи келади. Хожидан шундай жавоб эшитдилар:

«Эи подшои одил, бизнинг шариятда товуқни ўлтирмасдан бурун 3 кун боилаб қўйиб, тоза дон, тозасув бериб ўлдирадилар. Мен товуқдан ёмонроқ олуудаман. Нафсимнинг ёмонлигидан бир неча кун дон ҳалол бериб, андан шариятга мувофиқ қилиб улсам».

Бу сўз билимдон подшоҳга қаттиқ таъсир этади, у мамлакат подшолигидан кечиб, тожини олиб ташлаб, уҳ тортади ва эшонга мурид бўлади. Умр адоғи андуҳи сабабли оғзидан ут-тутун чиққанлиги учун Утлуг Юнус ота аталиб кетган, дейдилар.

Ота қабрининг шарқ томонида Хизр пайғамбарнинг оталари Хожан Солиҳга мақбара тикланган. Шу мақбара ... дига, йўлнинг иккинчи четида машҳур олим Мавлоно Асомиддин Банзовийнинг (XI аср) қабрлари бўлган.

Юнус ота қабрининг шимол тарафида машҳур ҳоким (воқеалари зикр этилди) Чилиқотининг марқадилари бор. Одамлар уни Ланлар ота дейдилар. Уш қабрининг шимол тарафида (Фрунзе мақбараи қонлисида) Хожидин Ҳаммаддирнинг қабри бор. Уш қабрда вақтнинг ўтиши билан қабрларда бошчилик қилгани учун уни Сарҳалқа бобо дейдилар.

Мана ... қабрида қирда Иброҳим ота (XI аср) урнатилган қабри бўлади. Мақбара раси ... Мақбара ... суфий тарғиботиининг устози имомидаси Аҳмад ... га урнатилган. Уш мақбара XIX асрнинг иккинчи ярмида қирга тикланган. ... асрда ... Яссавийнинг бобоси Маҳмудхон бобонинг ҳам қабрлари жолашган. У кишининг ота бобо лари машҳур шаиҳлар булиб, X-XI асрларда Сайрамда яшаганлар. Айтишларича, улар деҳқончилик билан ҳам шуғулланиб келишган.

Иброҳим ота мақбрасидан 1 чақирим шарқ томонда, Тошсойнинг юқори қисмида, «Учсув» жинида Ҳазрати Юша пайғамбарнинг қадамжолари белгилаб қўйилган. Юша пайғамбар деб аталувчи шу ердаги баландликда Хожидин Абдулло Ғоғистонийнинг ва шу мавзенинг қибла тарафида Хўжа Абдулқаҳҳор Саремийнинг қабрлари бор.

Хўжа Абдулқаҳҳор аллома булиш билан бирга подшолиқнинг шаҳар суви бўиича му- тасаддиси булган, деган хабар бор. Қабрларнинг Сайрамдан 7-8 км. олиқликда жолашганига сабаб, бу кўна шаҳарнинг кенлигидан далолатдир. Шу мавзедаги машҳур Култупа, қир енидаги ғорлар, «Деҳқонбобо» қабри в бошқалар ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Ғоғистонийлар ҳақида икки оғиз сўз. Ғоғистонлик туманида Ғоғистон деган қишлоқ бор. Улуг шаиҳ, муридид Хўжа Аҳром (1101-90), Абдулла Ғоғистонийлар ҳам шу қишлоқдан булганлар. Сайрамга келиб илм олиб, машҳур кишилар булиб етишган Ғоғистонликлар аначина булган. «Тазкирани қаландарон» китобининг муаллифи Исҳоқ Ғоғистоний, Пирмағ Сеториий вобораҳим Машраб билан Сайрам зиератига келганлиги бежиз эмас. Бу ҳақда муаллиф кўпгина маълумотлар беради.

Шу ерда девонаи Машрабнинг вилоятимиз ва Сайрамда бўлишлари ҳамда машҳур шоир-га тааллули айрим ривоятларни келтирамиз. Бу уч биродар Хўжанд, Уратепа, Шош орқали келиб, тахминан 1690 йилларда Сайрамда булганлар. Улар бу ерда вали, алломалар қабрларини ҳамда Идрис пайгамбар масжидини зиёрат қиладилар. Ҳатто яқинларгача шу масжид ҳовлисидаги к.п. йиллик қайрағочга Машраб суянган дейиларди, Курси суянчигидаи жой бўлиб, бу Машрабнинг авлиёлигига ишора қилинарди.

Машраб бу жойларни Хўжа Аҳмад, Қутбиддин аллома, Хожай Солиҳ, Лутфулла Сарёмий, Қози Байзовий, Камолиддин Байзовий ва яна кўпгина алломалар юрти эканлиги учун ҳурматлаган, зиёрат қилган. Ҳатто бошқа шаҳар, қишлоқларга бағишлаган мазаҳ шеърларини Сайрам ҳақида айтмаганига сабаб ҳам шу боис бўлсакерак.

Яна бир ривоят, Машраб эшагининг қозигини қокса ердан нидо эшитармишки (балки дили сезиб) «эй Машраб бошимга», (иккинчи бири) «Елкамга... қозиқ қоқаяпсан». Шунинг учун шаҳарда холи жой топмай Қозигурт яқинида Машраб қозиқ қоққан деган жой бор. Бошқа ерларда ҳам Машраб изи, Машраб булоғи ва бошқа ривоятлар бежиз айтилмас керак.

Яна Сайрамлик машҳур кишилар қабрларини зиёрат қилишни давом эттирамиз. Уша Юшапайгамбарқабриданшарқи-жанубтарофдабирчақириммасофадаЖўмушлоғидеганжойда Миршоҳ бобо Ғозийнинг (бошқа бир «Рисола»да Шоалибобо Ғозий дейилган) қабри мубораклари бор. Бобо тўрт минг ғозий лашкари билан (бошқа бир «Рисола» нусхасида 400 дейилади), худо йўлида жанг қилиб, атрофдаги одамларни Исломга киритганди. Қирёнбағрида номоз ўқиётганларида душман вақтни ғанимат топиб, Ғозийлардан бир нечтасини шу ерда ўлдирди. Одамлар Миршоҳ бобони «Узган ота» дейдилар шу ердаги мазорни эса «Минг шайтлик» дейишади.

Сайрамдан Бодом ариғи (Жануб) томонга тўрт чақирим юрилса қир ёнбағрида Сузук ота қабри бор. Хўжа Аҳмад Ясавийнинг набираси — исми-шарифлари Мустафоқули ота Алихўжа о'а фарзандидир. Боболари Аҳмад Ясавий уни севиб «Сузугим, менинг сузугим» деб эрқалагани учун халқ ўртасида шу лақаб машҳур бўлиб қолган дейдилар.

Шу ерда яна бир қабр бор. У шу ерда чироғчилик қилган Сўфи Олланазар деган кишининг қабридир.

Сайрамнинг «Тошкент» маҳалласидан ғарбга томон юрилганда Қози Баизовини мақбараси енгинасига ХIХ-XX асрларда яшаб ижод этган шоир Юсуф Сарёмийнинг қабрлари жойлашган. Шоирнинг 200 га яқин ажойиб ғазаллари жамланган девони эл уртасида машҳур.

Дўстлар, мана биз сиз билан Сайрамдаўтган бу зуртлар қабрларини зиёрат қилиб чиқдик. Мабодо айримларининг исми шарифини, амалини, қабрини белгилашда саҳв қилсан, янги-лишсан замин қадар букилиб узр сураимиз.

Биз кўздан кечирган 6 та Сайрам «Рисола»сида қишлоқдаги айрим вали, алломалар исми-шарифлари, машҳур тарихий жойлар номи берилмаган. Жумладан: Ханқа, Симча, Хўрасан, Зартош, Гойибота, Тактурмас, (7 оғанини), Қўрғир тепа, Лёёб, Улуғарик, Қонжилға, Айрит (7 оғанини), Саксонтилла, Деҳқонбобо ва бошқалар. Буларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Унинг воқеаларини тарихчилар, жамоатчилик тиклашда ёрдамлашса ажаб эрмас. Бундайларнинг «Рисола»га кирмай қолишига сабаб, юқорида айтганимиздек 910 йилларда ўтган шаҳар подшоши воқеаси билан «Рисола» китобчаси тугайди.

«Рисола»да воқеа ва шахсларнинг аниқ йиллари ёзилмагани учун кейинги авлод ҳам шу китобчани эътиборсиз кўчириб олаберган. Шу сабаб кейинги воқеалар, улуғ кишилар, босқинчилик урушлар ёзилмай қолган. Биз турли китобларга қиёслаб айрим йилларни ойдинлаштиришга ҳаракат қилдик

Аллома ота-боболаримиз дафн этилган жойларни излаб жуда кўп отахонларга учрашдик, «Рисола» маршрути бўйлаб юрдик. Афсуслар бўлсинки, жуда кўп қабрлар, тарихий жойлар бузилиб кетибди. Тарихни, алломалар ётган жойларни билладиганларнинг кўпчилиги ҳам бу ердан кетиб қолди. Халқ дарё, ундан яна анча нарсаларни билиб олса бўларкан. МУҲТАРАМ ҲАМҚИШЛОҚЛАР ЕРДА МИ БИЛАН Сайрамимиз тарихини озгина тикладик. Зора лар руҳи шод бўлса.

Бу ишда хатолашган, саҳв қилган бўлсан яна бир бор узр. Ҳар биртаҳрирингиз, фойдала фикрингизни бажонудил қабуллаймиз.

МУАЛЛИФ ДАН

Айтишларичай Ұлдош Охунбоев водийдаги бир чойхонада гурунгу лашиб ўтирганларидасуҳбат мавзуи шу ердаги қари чинорга келиб тақалади. Бу улкан чинорни Абдуқодир полвон бундан тўрт юз йил илгаризанкан, дейишди ҳамқишлоқлари.

Одамлар ва қишлоқ аҳволи тўғрисида суҳбат борганда шу ерда уч йил илгари ижроқўм раиси бўлиб ишлаган одамнинг исмини ҳеч ким эслай олмабди.

Сайрамни ва унинг машҳур фарзандларини ўйлаганим да, доимо ўша катта чинор ва полвонни эслайман. Одамларга умр бўйи беминнат яхшилик қилган, маърифат уруғини — кўчатини эккан бобокалонларимиз номи шарифларини авлодлар қалбида асрлар оша эъзоз топиб келаётгани бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қиламан. Ҳатто қотоғонлик йилларида Сайрамга, бу ердаги алломалар қабрига, анъаналарга нафрат билан қаралганда ҳам дили соф кишилар бу бемаъни ғояларга мутлоқ қўшилмадилар, ўз эътиқодида мустаҳкам турдилар.

Мана китобчани ўқиб чиқдингиз ва дилингизда анча мунозаралар туғилди. Яна илтимосим СИЗ ўша мулоҳазаларингизни хабарласангиз миннатдор булардик. Тарихий маълумотда, машҳур кишилар номида, жойлашган жойларини белгилашда, бу ерда биз номини билмаган алломалар ҳақида нимаки фикрингиз бўлса қабуллаймиз. Иншоолло. Булар тарихни бадастур этиб қайта чиқаришда фойдаланилади.

Сайрам аҳлига айрим илтимос ва таклифларим бор.

Авалло шу машҳур кишилар дафн этилган жойда жуда бўлмаса тўрт қадам ерни тозалаб, белгилаб, кичикроқ бир тахтачага уларнинг исми-шарифлари ёзиб қўйилса.

Турли сабаблар билан қабри бошқа жойга кўчирилган азиятларни билганлар маҳаллага ва бизларга хабарласа.

Учинчи таклифимиз ўша алломалар ўтган маҳалла ёки кўчаларни уларнинг номи билан аталса, ёш авлод тарбиясига фойда бўларди.

Тўртинчи таклифимиз, Сайрамга кўп жойлардан кунига юзлаб саёҳатчилар келишини эътиборга олиб, бузилиб кетган айрим тарихий жойларнинг бир қисмини тиклаб, таъмирлаб қўйишга жамоатчилик ёрдам берса.

Ва ниҳоят Сайрам музейига янги етти хонали бино ажратилгани туфайли бу соҳани ҳам жамоатчилик қўлга олса, уйда бор ва топган тарихий буюмлар, тарихий китоб ва ёзувлар билан тўлдиринишда ҳолисонлилоқ ёрдам берсалар. Бу жуда катта савоб иш бўларди.

Бу китобчага ўлкамизга Россиянинг босиб келишидин кейинги воқеалар, инқилоб, коллективлаштириш, улуғ Ватан уруши ва ўндан кейинги тарихий воқеалар киритилмади. Булар кейинги китобчада ёритилади. Бу борада ҳам ёрдамингизга муҳтожмиз, азиз дўстлар!

Муаллиф



Тарихий ҳужжатлар гувоҳлик беришича Сайрамда жуда кўп машҳур кишилар етишиб чиққан ва жаҳон олимларининг оқшига сазовор бўлганлар. Биз уларнинг айримлари исми-шарифларини ушбу китобчада санаб ўтдик, холос. Бу азизларнинг фаолияти, ҳаёти ҳақида ҳозирча мукамал ҳужжат бўлмагани учун тўлиқ ёрита олмадик.

Ҳ у ж ж а т... Бу тарихий, ашъевий далилланган бўлиши керак. Шу нуқтан назардан ҳам-юртчимиз Хўжа Аҳмад Яссавийнинг туғилган жойи, ёши ҳақида фикр юртайлик. Катта бобоси Шайх Ифтихор, бобоси Шайх Маҳмудхон, отаси Шайх Иброҳим, онаси Қорасоч она, ака-укалари Мустафоқули ва Латиф оталар, устози Шаҳобиддин Исфикобий, набираси Сузуи ота Сайрамда яшаганлар, шу заминга дафн этилганлар. Уларнинг қабр ва мақбараларини жаҳондаги туркийлар Сайрамга келиб зиёрат қилмоқдалар.

Б а с шундай жан ҲАЗРАТ АҲМАД ЯССАВИЙНИНГ ОТА ЮРТИ, ВАТАНИ САЙРАМДИР.

Улуғ туркий шоирнинг ёши ҳақида ҳам ҳар хил фикрлар бор. Айрим олимларнинг Аҳмад Яссавий 63 йил яшаган деган фикрига қўшилмаймиз. Мавлоно Хусомиддин Снгиокий рисо-ласида Хўжа Аҳмад 130 йил умр кўрган дейди. Туркия олимлари, жумладан Яссавийшу-нос Мухаммад Куприллзода уни 120 ёшдан кўп яшаганлигига далил келтиради. Туркистон-лик Алиш бобо қўлидаги китобда 128 йил яшаган деган сўзлар бор.

Бу борада шоир бобомиз Ҳикматларидан олинган ушбу сатрни ўқинг:

26-ҲИКМАТ

Ер устида ўлмас бурун тирик ўлдим,
Олтиш учда суннат, деди эшитиб билдим,
Ер остида жоним била қўллик қилдим,
Эшитиб ўқиб ерга кирди Қул Хўжа Аҳмад.


Эронлардин файзу футуҳ ололмадим,
Юз йнгирма бешга кирдим биллолмадим,
Ҳақ таоло тоатларин қилолмадим,
Эшитиб ўқиб ерга кирди Қул Хўжа Аҳмад.

Эй мўминлар бу дунёни поёни йўқ,
Чин ўлурсан қарғез буни ёлғони йўқ,
Ким билмаса валлоҳ ани имони йўқ,
Эшитиб ўқиб ерга кирди Қул Хўжа Аҳмад.

Банда бўлсанг меҳнат тортқил гофил одам,
Оқил эрсанг ғаниматдур санга шул дам,
Омонотдир азиз жонинг юрда беғам,
Эшитиб ўқиб ерга кирди Қул Хўжа Аҳмад.

Демак хулоса қилиб айтганда, Хўжа Аҳмад Яссавий 126-128 йил умр кўрган. Жамоатчи-лик бу йил ё келгуси йил улуғ туркий шоир Аҳмад Яссавийнинг туғилганига 930 йил тўлиши-ни нишонласа кўп савоб иш бўларди. 400

Зар қадрини заргар билади. Аҳмад Яссавидан ИИЛ КЕЙИН УНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҲАЗРАТ Алишер Навоийнинг қуйдагича баҳо бериши қувончлидир: «Хўжа Аҳмад Яссавий — Тур-кистон мулкининг Шайхул машойихидир. Мақомати олий ва машҳур, каромати атаволи ва номаҳсур эрмиш. мурид ва асқоб ғоятсиз ва шоҳу гадо энинг иродат ва ихлоси остонида ниҳоятсиз эрмиш. Имом Юсуф Ҳамзодонийнинг асқобидиндур ва анинг мазори Туркистон-да ЯССИ деган ердаки, анинг мавлуд ва маншайдур воҳеъ бўлибдур ва Туркистон аҳлининг қиблан дуосидир».



Бу юқ ҳамоиртимиз Хўжа Аҳмад Яссавий билан боғлиқ жуа кўп тарих ва манбалар учрайди. Булардан маърифатпарвар халқимиз кабардор. Жумладан, унинг машҳур «Ҳикматлари», Амир Темур томонидан қурилган маҳобатли мақбара жаҳон халқини қизиқтириб келмоқда. Ҳазрат мақбарасидаги қирқ кулоқлик қозони, жуа кўп ашёлари ҳам катта эътиборга молик.

Биз қуйида Аҳмад Яссавийнинг муҳри тўғрисида сўз юритмоқчимиз. Сайрамда истиқомат қилаётган Отахон азларнинг қўлида сақланаётган шоир девони ва Аҳмад Яссавий муҳри эдан кечириб қуйидагиларни аниқладик: Доира шаклида ёғочдан (Отахон азларнинг сўзига қараганда ғўзапоядан) ишланган муҳр кенлиги 10 см. дан каттароқ, доира ўн булакдан иборат бўлиб, ҳар бир булакка, биттадан Аҳмад номи ёзилган. Жумладан биз қуйидагиларни ўқидик.

- | | |
|-------------------------------------|-----------------------------|
| 1. Аҳмад Саллоллоху алайҳи вассалом | 6. Шайх Аҳмад Равийа(?) |
| 2. Шайх Аҳмад Ханбал | 7. Шайх Аҳмад Мухтор |
| 3. Шайх Аҳмад Хайринож(?) | 8. Шайх Аҳмад Хомий (Жомий) |
| 4. Шайх Аҳмад Арқам (ар Қосим) | 9. Шайх Аҳмад Кабирийа |
| 5. Шайх Аҳмад Хисравий | 10. Шайх Аҳмад Сағирийа |

Доиранинг ўртасида «Ҳазрат Султон Хўжа Аҳмад Яссавий» номи ёзилган. Доира четидagi халқада «Бисмиллоҳ» билан бошланувчи яхши тилаклар араб тилида ёзилган ва «Амал Хожихон» деб кўрсатилган.

Албатта, шундай савол тўғилади: Бу ўн Аҳмад ким!? Нима учун Хўжа Аҳмад Яссавийнинг муҳрида уларнинг номи-шарифлари зикр этилган.



АШЕЛАР ТИЛГА КИРГАНДА...

Сайрам тарихини ойдинлаштиришда археологик қазиш ишлари катта ёрдам бериши мумкин эди. Салкам бир асрдан бери халқимизнинг бу соҳадаги илминчи, орзу-умиди, қинг афсуслар бўлсинки, ҳануз амалга ошмади.

Ачиниш билан айтилаётган фикримизнинг сабаби, Сайрам ўрнини тасодифий текислаш, қазиш, қурилиш ишларини олиб бориш пайтида топилаётган жуда қимматли, тарихий ашёлар, уларнинг синиб кетаётгани ва ўрганилмаётганлигидадир.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, кўҳна ва қадимий, бой ва катта шаҳар бўлган Сайрам жуда кўп марта ёв ҳужумларига дуч келган. Жунғорлар, қорахитойлар, қолмоқлар, хон-беклар, эронлар, турли кўчманчилар ва бошқалар бу ўзал шаҳарни талаганлар, ва айрон қилганлар. Кўпгина ашаддий истилочлик юришлари натижасида ўлкамиздаги бошқа шаҳарлар қаторида Сайрам ҳам ер билан яқсон қилиб юборилган. Аждодларимизнинг юз йиллаб яратган, тўплаган маданий бойликларитупроққақорилибкетганлигим аълум. «Доруломон» деб номланганзомонда 70 йиллаб, бу ерда планли археологик қазилма ишлари ўтказилишини орзиқиб кутдик. Начора...

Қатоғон ва турғунлик йиллари, ҳатто кейинги пайтда Сайрамнинг жуда кўп тарихий обидалари, қурилишлари, мақбаралари, «дин билан кураш», «янги қурилиш» баҳонаси билан йўқотиб юборилаёпти. Ер ости йўллари, дарвозалари, тўрт даҳадаги тўрт катта ҳовуз, юзлаб қудуқлар, ғорлар, зиндонлар, олиму фузалолар қабри, масжиду мадрасалар шулар жумласидан.

Биз маданиятимиз ва халқимиз тарихига нисбатан ваҳшийдик қилганларга маломат тошини отишдан кўра, қолган тарихий обидаларни сақлаб қолиш чора-тадбирларига жасорат билан киришсак, савоб иш бўларди.

Бугунги қалъа ҳолатиганазар ташланг: ураб йўқолаётган девор, тўрт дарвоза, тўрт ҳовуз ўрни, бир қисми босиб қолган ғор, айрим масжидлар ўрни ва бошқалар маънос тикилади сизга. Чорраҳада кесилган икки шоҳ кўчанинг буйларидаги ўтмиш туркий меъморчилиги ёдгорликларининг бир қисмига сақланиб қолган, ҳолос.

Утмиш маданий меросимизга ҳурмат, тарихимизга оид ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик ҳар қандай топилма ҳамиша, ҳар қандай шароитда халқ эъзоз-эътиборига лойиқлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур. Ишончимиз қомилки, қачонлардир бу топилмаларнинг илмий аҳамияти белгиланади ҳамда булар халқимиз тарихига катта улуш бўлиб ўршилади.

Бу ердан топилган хилма-хил сопол буюмлар, ҳажми турлича катталиқда бўлган юмалоқ ва бўйни катта, узун кўзачалар, лаган, коса ва уларга ишлов бериллиши, сирлари, бўёқлари, хумлар, қадим гиштлар, сувқувурлари, қурол-аслаҳалар — ҳамма-ҳаммаси ўтмишдаги устаота-боболаримиз маҳоратини ҳикоя қилиб беради. Хуллас, кўҳна шаҳримизнинг қаерини қазиманг, у ердан ажойиб нарсалар топилади. «Рисола»да айтилишича, Сайрамнинг шарқий қисмидаги Мартепа Нуширавоннинг ўғли даврида хон ўрдаси бўлган. (Мартепа ҳақида яна кўпгина ривоятлар тилла бешик, аждар, илонлар) борки, буни келгусида ҳикоя қиларимиз.

АА ртепа... Фақат ўз туманимизга тааллуқли «Мартабанг баланд бўлсин» деган олқиш бор. Бунинг сабаби, қадимда шу атроф элатлари бошлиқлари Наврўз кунлари шу қутлуғ тепага йиғилишиб, қурултой ўтказганлар. Бундан бир неча йил илгари ўша тепа тупроғи олиниб, тошлоқ ерга ётқизишга келишди. Ана шунда Мартепа ўз сирларининг бир қисмини ошкор этди. Икки гектарлик бу тепа атрофи хом гиштда тўрт метр баландликда девор билан уралган экан. Хом гиштлар ҳозирги заводи илларига қараганда беш марта катта эди. Тепаининг пастки қисми тупроқ билан тўлдирилгандай. Устки қисмининг уч метрида маданий ашёлар, сопол буюмлар, ҳар 1-1,5 метр қатламда қўл билан тизилгандай кўйинди излари бор. Демак, бу хон ўрдаси ҳам 3 метр та вайрон этилган, ёндирилган.

Бульдозер, экскаватор синдириб ташлаган сопол буюмлар музейга олиб келинди. Икки жондан тик қилиб қазилган ура чиқди. Буни айримлар зиндон ҳам дейишди, тубида муштдай келадиган тошлар ётарди. Бу ёвгарчиликда ер ости алоқаси ўрнатиш ва ер остидан сиртга чиқиш ва-зифасини бажарган. Тошлар эса полоҳмон ўқлари бўлиши керак.


Айрим жойлардан одам ва мол суяклари ҳам чиқди. Олимларнинг аралашуви билан бу кўп минг йиллик обида тўлиқ бузилмай қолди. Техника бизни шу тепанинг айрим нодир сирларидан бебахра қилиб қўйгани ҳам аниқ эди.

Утган йил Мартепа яқинидаги бир уват текисланаётганда одам бўйича бир катта хум, 6 та турли кўзачалар топилди.

Сайрамда турли номлар билан аталадиган тепа, қирлар борки, буларнинг ҳар бири ўз тарихига эга. Улуғ тепа, Тўрткўл тепа, Қора тепа, Қўнғир тепа, Қоровул тепа, Мартепа... Бу сунъий тепалар ва уларни тасодифий қазийда топилаётган маданий буюмлар муҳим тарихдир.

Яхшилаб эътибор берсангиз, шу сунъий тепалар тилга киради. Қоратепани кўринг: тақрорийўк, очик музей: қатлам-қатлам ёнғин излари, куллар, турли сопол, темир, мис буюмларсиниғи, парчалари, бўёқлар билан безатилган хумча, лаган, кўза, идишлар. Шундай манзарани Култепа ва Хонқадаги Тўрткўл тепада ҳам учратасиз.

Сайрамни Идрис пайғамбар барпо этганлиги ҳақида «Рисола» да ёзадилар. Қишлоқ ўртасидаги Идрис масжиди ва шу ердаги еростиғори яқинларда бузиб ташланди. Шу масжидга тааллуқли анча буюмлар бир аср илгари рус олимларининг эътиборини қозонган эди. Ҳовлида тўрт аср юзини кўрган катта қайрағоч ва каттагина ҳовуз бўлган. Ҳовуз қирғоғида тошдан уйиб иш-



Қорасоч она мақбараси

ланган кўҳна ёзуви тош тоғора ва бир қабр бор эди. Шу масжид устунлари ҳақида 1925 йил Сайрамда бўлган олим М.Массон қимматли маълумотлар берган: тош устун 2,56 метр бўлиб, қулоч етмас йўғонлиқда. Ачинарлиси шундаки, шу тош устундаги ёзувларни, белгиларини ҳануз ҳеч ким ўқий олмаган. Булар ҳам исломдан олдинги ёзув бўлиб, айрим олимлар шундай белги, ёзувни Қоҳирадаги масжид пештоқида курганлигини айтади. (Қадимда халқ «бу устун осмондан тушган», яна ариимлар «Одам ато набираси ишлаган» деб улуғ паб, кўзига суртган, истионат тилаган, деидилар.

Биз тошдан ирилган бу устунни Туркистондаги масжид ҳовлисида қор, ёмғир емириб ётган ҳолда кўрдик. Шу устуннинг яна бирини Ленинград Эрмитажида куриб, эсдалик учун суратга туширган эдик. (Ҳозир Эрмитаж раҳбарияти бу устунни Урта Осиёдаги бирорта музейга олиб кетилган бўлса керак, деб мужмал жавоб бераёпти).

Булардан ташқари нодир топилмаларнинг анчаси мамлакатнинг турли музейларига олиб кетилган. Айримларини саводсизлигимиз туфайли йўқотиб қўйдик.

Балогардон қабристонига мрамардан ишланган учта энг кўҳна қабр тошлар бўлиб, биттасининг бешқиррасидаги ўймакорлик белгилари, ёзуви Хўжа Тўқай Темур уғли Қозим қизига бағишланган (вафоти 26 ражаб, 827-ҳижрий).

Бошқа иккита мрамартош дағалроқ ўймакорлик билан ишланган бўлиб, биттаси дижрий 1087 йилда вафот этган Алихон уғли Мўмин Султонга тегишли. Ниҳоят учинчисидagi ёзувлар синиб кетган бўлиб, кўриниши XI асрга тааллуқлидек. Бу мрамар тошлар ҳам кўп «саёҳатларда» бўлиб келган.

Олимлар ўртасида Исфижоб — бу Сайрам эмас, аксинча уни 35 км. жанубдан излаш керак, деган фикрлар бор. Дарҳақиқат, кўҳна Сайрам катталиги туфайли шундай янглиш фикрлар айтилаяпти. Турли бурчаклардаер қаъридан топилаётган буюмларнинг географик ўрни, кенглиги эса ҳақиқатни далиллайди.

Бригадир М. Расулметов Юқори Зартош участкаси текисланаётганда 2,5 метр чуқурликдан топилган думалоқ шарифат ўқ ва сополларни музейга келиштириб берди. Бу мудофаа мақсадида ишлатиладиган сангандоз (тошотар) ўқи бўлиши керак.

Бригадир М. Мирсидиқов «Балогардон» қабристонига қаршисидagi уват текисланаётганда ҳали ҳеч учрамаган буюмини топиб музейга тортиқ этди. Бу сопол идишини оғзи кичкиналиги кимёгарларидишини, мумиёдонни эслатади. Колхозчи Р. Кежаев ҳовлисида ўра қазийётганида 2,5 метр чуқурликдан топилган чирогдон таглиги, шамдон яна бошқа ноаниқ оғир металл буюмларни музейга топширди.

Куктош участкасида қазилар ишлари ўтказилаётган пайтда 3 метр чуқурликдан мўмеланган одамнинг жасади топилди. Ажабланирлиси шуки, жасаднинг устки ва остки қисмига 80 см. узунликдаги сопол қувурлар қатор териб қўйилган эди. Қишлоқнинг ғарби-шимол томондаги Айрит ерларини текислаётганда 2 м. чуқурликдан чиройлик йўнлган тош буюм, сополлар, суюқлар ва илон инига дуч келинди. Бошқа ердан сирланган кимёгарлик кўзаси чиқди.

Чимкент қопқадаги масжид ўрни 2-3 метр қазилганда шарқдан ғарбга чўзилган сув қувурлари, жуда ҳам кўп сопол буюм синиқлари, ҳатто пишқғишдан қурилма чиқди. Бу синоатни ўрганиш учун олимларни қақиргандик, лекин улар келавермаган, бу қурилма ўз-ўзиндан йўқолиб кетди.

Жуда кўп жойларда 1,5-2 метр чуқурликда қатор терилган чор қирра қора тошга дуч келинган ҳақида Акбор, Мирзали, Маҳкамбой ака ва бошқалар хабар қилишди.

Улуғ тепадан тилла жом, қилич ва бошқа буюмлар топилгани ҳақида Раимқул, Абдаз акалар гувоҳлик берадилар. Бодом ариги яқинидаги бир жойдан 300 та кумуш танга топилди.

Сайрам заминидан турли даврларда топилган тангалар ҳам бой тарихга эга. Буларнинг ичиде VIII-XI асрларда оид арабий ёзуви тангалар билан бирга бундан анча илгари зарб этилган тўртбурчакли тешик сўғдий тангалари ҳам учрайди.

Сайрамнинг ғарб томонида хон ўрдаси жойлашган Кўнғир тепа текисланаётганда у ердан сомонийлар ва қорахонийлар ҳокимлик қилган йиллардаги, ҳамда ундан илгариги даврга оид сўғдий тангалари топилди. (Хурматли Абдәзим ака Тожиев тангаларни қишлоқ музейига топширди). Шу ердан тўрт қиррали катта ғиштлар, қилич ва сопол идиш синиқлари чиқди. (Балки нодир тарихий буюмларни бульдозер ва тракторлар ер қаърига қайта кўмиб юборгандир).

Энг ачинарлиси, шу текисланган жойдаги 12x16 м сатҳ ер суғорилг анда 2 марта (70 ва 40 см-га) чўкиб кетди. Балки шу ерлар хон урдаси, эл-юрт тарихини бойитадиган қимматли жойдир. Афсуслар бўлсинки, қатогон йилларда бу ерни сақлаш, режали қазिश ишларини уюштириш амри маҳол эди. Қазилганда бобо тарих саҳифаларига, шаҳарнинг фожиялари, тарихига оид ажойиб ҳужжатлар, ашёлар топилармиди?

Ер қаъридан топилаётган буюмларни эҳтиёткорлик билан қазиб олиб, музейга топширган механизатор К. Расулов, К. Уримбоев, М. Ураимжонов, Р. Султанов, Ш. Шерметов, Оқтаевлар Сайрам тарихига янги саҳифалар кўшмоқдаларки, бундан ҳам маминнатдор. Бу модир буюмлар ҳақида олимлар ҳукм чиқазिशар деган умиддамиз.

Утган асрда Сайрам заминидан нималар опилганлиги ҳозирча номаълум. Кейинги асрда ҳабар топганларимиз ҳам анчагина. Олимларнинг ёзишича 1900 йилда шаҳарнинг бир чеккаси-дан кумуш тангалар хазинаси топилган, 1925 иил Иброҳим ота мақбарасига яқин ердан усти турли безакларга эга катта хум топилган ва САГУ музейига топширилган.

Қорамурт қопқа, Бозор қопқаларидан ҳамда қалъа устидан кумуш ва тилла тангалар, турли буюмлар, занглаган қилчлар топилган.

Сайрам сув ўзанидан топилган тангалар, сопол, темир буюмлар, қатор етти жуфт қандақ-ўралар сирлилигича қолиб келаяпти. Сайрамда зарб этилган тангаларнинг бизда ва қушни шаҳарларда топилганлари сомонийлар ва қорахонийлар даврига тўғри келади. Бу тангаларда араб алифбоси билан «Оллоҳдан бошқа худо йўқ, Мухаммад унинг пайғамбаридир» деган ёзув бор. Танга теграсидаги ёзувни (шикастлангани учун) ўқий олмадик. Тарихчи Ал-Мақдисиининг гувоҳлик беришича «Исфижобда 1X аср урталарида танга зарб этадиган ўрда (двор) бўлган».

Сайрамда ва Ўрта Осиёнинг турли жойларидан топилган тангалар аждодларимизнинг Ҳиндистон, Ҳитой, Россия, Рум, Осиё ва бошқа мамлакатлар билан жуда қадим давр савдо алоқалари олиб борганлигини далиллаяпти. Бунда бу ердан ўтган буюк ипак йўли муҳим роль ўйнаганлиги шубҳасиз.

Сайрам қалъаси устига ўрта мактаб биноси қурилиши учун қандақлар қазилма бошланганда Олмаотадан академик Акишев, вилоят марказидан Подушкин деган олимлар келиб, қурилишни тухтатиб қўйишди. Кўп харажатлар сарфланганини руқча қилиб, раҳбарларнинг аралашуви билан қурилиш давом этказиладиган булди. Бир шарт, қурилиш ўрнидаги тупроқ маданий қатламни текшириш керак эди. Олимлар, студентлар ва камини хабардорлигида 18 метр чуқурлик қазилди ва ҳамма қатламдан турли буюмлар, сополлар, куллар, одам ва ҳайвон суяклари чиқиб турди. Яна қуйи қатламларда нималар борлиги инсониятга «сирлигича» қолиб келаяпти.

Академик Акишев, яқин йиллар ичида археологик қазилма ишлари ўтказилади ва шунда бу аниқ бўлади, деб ваъда берди. Афсуски ҳануз планли қазिश ишлари амалга оширилмаяпти.

Утмиш тарихига оид топилмалар ҳақ бойлиги. Улар эъзозлаб музейда сақланади, пухта ургангилади. Яқин-яқинларгача сақланиб келган қиррали, уймақор, ёзувли тошларнинг, масжидлар пештоқидаги нақшли ёғоч безакларнинг қадимий ёғишлар, турли буюмларнинг айрим одамлар томонидан уйларига олиб кетилиши ва узлештириб олинмиши кечирилмас ҳолдир. Тарихга оид нарсалар кўз қорачиғидек сақланиши керак. Зеро, биз ота-боболар руҳи олдида, тарих ва келажак авлод олдида жавобгармиз.



ШАҲРИ САРЁМ — ИСФИЖОБ

Шаҳри Баизо Исфижоб шаҳри Сарём эмасму.
Авлиеларжамъ жойи шаҳри Сарём эмасму.

Идрис Наби ҳирқаси, Хизр Илёс кулбаси,
Кулли шаҳар сараси шаҳри Сарём эмасму.

Идрис масжид жомени, Хизр масжид Қазони,
Тоатхона қилғони шаҳри Сарём эмасму.

Иброҳим Ҳалилуллоҳ масжид Полосни қилғон,
Исо кунфайакун деган шаҳри Сарём эмасму.

Пайғамбар мерож чиқиб Байзоға дуо қилган,
Жаброил омин деган шаҳри Сарём эмасму.

Идрис Наби биноси, тўрт пайғамбар дуоси,
Неча шаҳар ибтидоси шаҳри Сарём эмасму.

Мардонулғайб шаҳарда, юрурлар баҳри барда,
Қароргоҳи аларнинг шаҳри Сарём эмасму.

Зоҳидларнинг макони, обидларнинг дўкони,
Яхши эронлар кони шаҳри Сарём эмасму.

Абдил Азиз бобоси, мустажабдур дуоси,
Етти кентнинг фатвоси шаҳри Сарём эмасму.

Авлиё Қорахон ул эрди балоғардон,
Етган жойи бегумон шаҳри Сарём эмасму.

Асл Сарём Туркистон, Хўжа Аҳмад мундан чиққан,
Яссиди ватан тутган, шаҳри Сарём эмасму.

Сарёмда бор сонсиз боб, ётибдур хоки туроб,
Тайинлиги Исфижоб шаҳри Сарём эмасму.

Ҳар қадамда авлиё, ҳар бири валиюлло,
Сонсиз боб кон авлиё, шаҳри Сарём эмасму.

**Боблар келиб дин очди, күүффор алардан қочди,
Шаҳид бўлган ерлари шаҳри Сарём эмасму.**

**Тўла эрди вақтида қалъа ичи, тошу том,
Бузруклари боанжом, шаҳри Сарём эмасму.**

**Бузругин дуо қилинг, руҳларин ҳозир билинг,
Остонасин тавоб этинг, шаҳри Сарём эмасму.**

**Ҳар ким босса қирқ қадам ихлос этиб қуйидин,
Озод дўзах ўтидин, шаҳри Сарём эмасму.**

**Боди ҳавоси тоза, суви эрур бомаза,
Ҳар ерда бор овоза шаҳри Сарём эмасму.**

**Бегу хонлар келурлар зиёратга давомат,
Топар бундан башорат, шаҳри Сарём эмасму.**

**Тўрт дарвоза қурилган, сон уйлик Сарём бўлган,
Қўнгтожи вайрон қилган, шаҳри Сарём эмасму.**

**Зулм айласа ҳар золим ўшбу Сарём элига,
Иншоолло етолмас қайтиб яна элига.
Синаб кўргил бу сўзни ишонмасанг тилига,
Неча манман деганлар ботди ҳасрат кўлига.
Ўшал айтган шаҳримиз, шаҳру Сарём эмасму.**


**Ихлос этган бегумон, берур муродин Субхон,
Ҳаллоқ этди яхши макон, шаҳри Сарём эмасму.**

**Дарвишларнинг бозори, орифларнинг гулзори,
Азизларнинг мозори, шаҳри Сарём эмасму.**

**Қодирнинг кечасинда, Аршнинг кунжинасинда,
Қуръонни тафсир этган, шаҳри Сарём эмасму.**

**Сарёмда бор сонсиз боб, боблар боби Арслонбоб,
Туркистонда туман боб, шаҳри Сарём эмасму.**

«Шаҳри Сарём — Исфижоб» шеъри Сайрам рисола-
сидан тўлиқ олинди.



Сайрамдаги Идрис масжиди устунлари
Чапдагиси Ленинград Эрмитажида, икинчиси
Туркистон масжиди ховлиясида турибди.

САЙРАМ ТАЪРИФИДА

Мадинат ал-Бйо эрур бир отлари,
Исфижобдир, САЙРАМ эрур машҳурлари.
Кўп шаҳарлар ичра САЙРАМ болдан лазиз,
Уттиз бир йил сокин бўлди ул ботамиз.

САЙРАМ шахри катта шаҳар, ҳам тўқ эрди,
Кўп шаҳарлар бундин ошлиқ олур эди,
Олиб бориб атрофларга сотур эрди,
САЙРАМ шахрин тангри улуг қилмадиму!

САЙРАМ шахрин зиёрат қил оқил эрсанг.
Ҳақ Мустофо сўзин олгил содиқ эрсанг,
Гуноҳларинг йўқ бўлгуси, фосиқ эрсанг,
Ихлос бирлан хос қуллари бормадиму.

САЙРАМ борсанг, эй Кошифий ибодат қил,
САЙРАМдаги азизларни зиёрат қил,
Сўнгра йиғлаб қилмишингга ниодат қил,
Хос бузруқлар сенга назар қилмадиму!



Кошифий Намангани

САРЁМСАН

Тарихинг узоққа кетган Сарёмсан,
Доврунги оламни тутган Сарёмсан,
Барчага эзгулик улаша олган,
Умри бокий қутлуғ бўлган Сарёмсан.
Аҳмад Ясави-ю, Юсуф Сарёмий,
Насриддин, Лутфулла, Ҳаким Байзовий,
Мавлоно, шоирлар таваллуд топган,
Сонсиз боблар макон қилган Сарёмсан.
Араблар босқини, турклар талашини,
Мўғуллар қирғини, қалмоқ камали,
Барча-барчасининг яхши-ёмонини,
Кўриб бардош берган метин Сарёмсан.
Сенга қизиқмаган ҳоқон бўлмади,
Темур авлодлари қуруқ қолмади,
Қайсиси тўзатди, қайсиси бузди,

Кўнгожи вайрона қилган Сарёмсан
Қатоғон йиллари қурбонларинг ҳам,
Сени деб жон берган ўғлонларинг ҳам,
Оч-тўқликни кўрган авлодларинг ҳам,
Ҳаётдан умидвор кетган, Сарёмсан.
Ватан урушида уч мингдан ортиқ,
Марду майдонларни етказиб берган,
Бўтабой Содиков, Зиёнат Ҳусан —
Қўш қаҳрамони бўлган Сарёмсан.
Биз сен учун доим туремиз тайёр,
Юртимиз оралаб юрмасин айёр,
Миллатлар дустлигини тилайди ҳар ёр,
Ишқли кунларга етгин Сарёмим.

Муҳиддин Қодиров

Мираҳмад Мирхолдор ўғли
«САЙРАМ ТАРИХИ»

Ўзбек тилида

Муҳаррир Ю. САЙДАЛИЕВ.

Техник муҳаррир

Рассом Сайфулла Туроббой ўғли

Корректор Г. Эрова.

Босмахонага берилди 29.05.1991 й. Босишга рухсат
этилди 3.06.1991 й. Формати 84x108. № 1 босма қоғозга
«Литературная» гарнитурасида, фототерим усулида
босилди. Шартли бос. л. 3,15. Шартли кр, отг. 3,32.
Нашр л. 3,46. Тиражи 15000 экз. Буюртма № 2672
Баҳоси 2 сўм,
Чимкент шаҳар босмахонаси. 486100. Чимкент,
кўчаси,